

«Тасдиқлайман»

Иқтисодиёт ва бошқарув

факултети декани в.б.,

доцент \_\_\_\_\_ А.У.Астанов

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2012 йил

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ КАФЕДРАСИ

5340900- Бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналиши

# Битирув малакавий иши

**Мавзу: «МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ВА МОЛИЯВИЙ БАҲҚАРОРЛИК  
КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ»**

**(Пастдарғом туман “Ҳамид чорвачилик воҳаси” фермер хўжалиги мисолида)**

Бажарувчи:

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит

йўналиши IV босқич талабаси

Илмий раҳбар, доцент

Сафаров Абборжон

Давлат Холбоев

Битирув малакавий иш муҳокама

қилинди ва ҳимояга рухсат

берилди

Кафедра мудири, и.ф.д

\_\_\_\_\_ М.Холмурзаев

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2012 йил

САМАРҚАНД – 2012 йил

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b>		<b>2</b>
<b>I –боб</b>	<b>Хўжаликни ташкилий - иқтисодий таснифи.</b>	<b>5</b>
1.1	Хўжаликни жойлашуви ва ихтисослашуви	<b>5</b>
1.2	Хўжаликни ер, асосий воситалар, чорва моллари ва меҳнат ресурслари билан таъминланиши ва улардан фойдаланиш самарадорлиги	<b>8</b>
<b>II –боб</b>	<b>Мавзуни назарий асослаш ва адабиётлар шарҳи.</b>	<b>19</b>
2.1	Мавзуни назарий асослаш	<b>19</b>
2.2	Адабиётлар шарҳи	
<b>III-боб</b>	<b>Фойда, унинг кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш тартиби.</b>	
3.1	Ялпи ва асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан фойда.	
3.2	Бошқа фаолиятлардан фойда	
3.3	Фойдага таъсир этувчи омиллар тахлили	
<b>IV.боб</b>	<b>Молиявий барқарорлигик ва унинг тахлили</b>	
4.1	Молиявий барқарорликнинг моҳияти ва мезонлари	
4.2	Молиявий барқарорликнинг тахлили	
<b>V-боб.</b>	<b>Қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги</b>	
<b>Хулоса ва таклифлар</b>		
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b>		

## Кириш

Қишлоқ хўжалиги халқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб, у аҳолини озиқ-овқатга, саноатни хом-ашёга бўлган эҳтиёжини кондиришда муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини янада ошириш принципиал муҳим аҳамиятга эга эканини инobatга олиб, фермер хўжаликларига ажратилаётган ер майдонини оптималлаштириш борасида зарур ишлар олиб борилди.

Шунинг билан бирга, ўтган давр мобойнида орттирган тажрибамиз фермерликни янада ривожлантириш учун бир қатор жуда муҳим муоммаларни, хусусан, фермер хўжаликларининг барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалларни ҳал қилишни қатъий талаб этмоқда.

«Шуни очик тан олиш керакки, фермер хўжаликларни ташкил этиш ва уларнинг маъсулиятини янада ошириш борасида хали кўп иш қилишимиз лозим» - деган эди. Республикамиз Президенти И . А. Каримов Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 19 январидаги йиғилишида. Вазирлар Махкамасининг ушбу йиғилишида ўтган йили 3 минг 800 тоннадан ортиқ пахта етиштириш бўйича шартнома мажбуриятини (1 минг 500 та фермер хўжалиги ғалла етиштириш шартномасини) бажара олмаганлиги қайд этиб, натижада 120 млрд сўммдан (ғалладан 18 млрд сўмлик ) пахта ва ғалла кам етказиб берилди. Агар бу кўрсаткични экспорт қилиш мумкин бўлган пахта толасига айлантирадиган бўлсак, бой берилган фойда ҳажми пахтани қайта ишлашдан олинадиган мой, шрот, кунжара ва бошқа маҳсулотларни ҳисобга олмаганда ҳам йўқотиш қарйиб пахтани ўзидан 100 млн долларни ташкил этишини таъкидлаган эди Республикамиз Презденти И .А. Каримов.

Ушбу ва бошқа ҳолатлардан келиб чиқиб барча фермер хўжаликларини ҳам юқори рентабелли, молиявий ҳолати барқарор хўжаликлардан деб бўлмайди.

Пастдарғом тумани «Хамид чорвачилик воҳаси» фермер хўжалигининг соф фойдаси 2009 йилда 8112 минг сўмни, 2010 йилда 3273 минг сўмни, 2011 йилда 12783 минг сўмни ташкил этган. Демак, хўжаликни йиллик молиявий натижага эришишда барқарорлик етишмайди, чунки 2011 йил фойда сўммаси олдинги икки йилдагидан ошиқ бўлсада 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 4839 минг сўмга ёки 2,5 баробарга камайган.

Хўжаликни молиявий натижаси бўйича юқорида келтирилган ҳолат чорвачилик маҳсулотларини янада кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, уларнинг етиштириш харажатларини камайтириш асосида фойда миқдорини янада оширишни тақозо этади.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб мазкур, битирув малакавий иши олдида қўйидаги вазифалар қўйилган;

1. Маҳсулот етиштириш бўйича мавжуд ҳолатни ўрганиш.
2. Маҳсулотлар таннархини шаклланиш ҳолатини ўрганиш.
3. Молиявий натижалар (фойда)ни шаклланиш ҳолатини ўрганиш.
4. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархи ва молиявий натижалар таҳлилининг ҳолатини ўрганиш.
5. Фойдага таъсир этувчи омилларни таҳлил этиш.
6. Хўжаликни молиявий ҳолати ва молиявий барқарорлиги кўрсаткичларини таҳлил этиш.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб мазкур битирув малакавий ишининг асосий мақсади хўжаликда маҳсулот етиштириш ва улар таннархини пасайтириш ҳамда молиявий натижалар ҳажмини ва уни барқарорлигини ошириш имкониятлари бўйича таклифлар ишлаб чиқаришдан иборат.

Ишни бажаришда ўрганиш объектига тегишли Республикамизда қабул қилинган қонунлар, Республикамиз Президентининг Фармон ва қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, жумладан, харажатлар ва молиявий натижалар ҳисоби ва ҳисобланишини асоси бўлган «Маҳсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом», бухгалтерия ҳисобининг 4-сон «Товар – моддий заҳиралар» ҳамда 3-сон «Молиявий натижалар тўғрисида»ги миллий андозаларидан кенг фойдаланилди.

Битирув малакавий ишида тадқиқотлар ўтказишнинг таққослаш, монографик, ҳисоб конструктив ва таҳлилнинг бошқа усуллардан фойдаланилди.

Ишнинг айрим муоммоларини чуқурроқ ўрганишда Пастдарғом тумани «Ҳамид чорвачилик воҳаси» фермер хўжаликнинг йиллик ҳисобати ва бошқа иқтисодий таҳлил маълумотларидан фойдаланилди.

## **I – боб Хўжаликни ташкилий - иқтисодий таснифи.**

### **1.1 Хўжаликни жойлашуви ва иқтисослашуви.**

Пастдарғом тумани «Хамид чорвачилик воҳаси» фермер хўжалиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21 ноябрдаги ПК – 514 сонли, Самарқанд вилояти хокимининг 2006 йил 24 ноябрдаги 165-Қ-сонли «2007 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларга айлантириш чора - тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш асосида ҳамда Пастдарғом туман хокимининг 2006 йил 25 ноябрдаги 137 –Қ сонли қарорига асосан «Ўзбекистон ширкат хўжалигини» қайта ташкил этиш комиссиясининг 2007 йил 9 январдаги 8-сонли баённомаси асосида ташкил этилган.

Туман хокимининг юқоридаги қарори билан хўжаликка 68,2 гектар ер майдони ажратилган.

Хўжалик Пастдарғом туманининг Дўрмантепа қишлоқ фуқаролик йиғимига қарашли Жағалбойли қишлоғида жойлашган.

Фермер хўжалиги туман маркази Джума шаҳридан 12 км ва вилоят маркази Самарқанд шаҳридан 20 км узоқликда жойлашган.

Хўжалик 2009, 2010 йилларга нисбатан (2009 йилда 8112 минг сўм, 2010 йилда 3273 минг сўм) 2011 йилда кўпроқ фойда билан чиққан бўлсада (12783 минг сўм), 2011 йилни 1 январ ҳолатига 22987 минг сўмга дебиторлик ва 42917 минг сўм кредиторлик қарзига эга.

Хўжалик 2011 йил 1 январ ҳолатига банкдаги ҳисоб - китоб счётида 14336 минг сўм пул маблағига эга.

Фермер хўжаликнинг 2007 йил 24 январдаги тасдиқланган Уставига кўра чорвачилик ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришлар асосида даромад (фойда) олиш, аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш, ўз аъзоларини ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжларини қондириш фермер хўжаликнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Фермер хўжалиги Уставининг 11-бандига кўра хўжаликни асосий вазифалари бўлиб кўйдагилар ҳисобланади:

- ажратилган ер майдонларидан самарали ва оқилона фойдаланиш;
- чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўпайтириш, аҳолини сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлашни йўлга қўйиш, насли ва зотдор чорва моллари сонини кўпайтириш;
- чорвачилик ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлаш ва сотиш;
- бинолар, техника воситалари ва мол - мулкни ижарага олиш ва ижарага бериш;
- ташқи иқтисодий алоқаларни белгиланган тартибда амалга ошириш.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб хўжалик Уставининг 12 - бандига белгиланганидек хўжаликни фаолият сохалари бўлиб кўйдагалар бўлиб ҳисобланади;

- чорвачилик ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш, ҳамда бозорларда сотиш;
- маҳаллий хом ашё ресурсларини, яъни кундалик эҳтиёждаги халқ истеъмоли товарларни ишлаб чиқариш;
- сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот сифатида сотиш;
- аҳоли буюртмалари билан ишлаш;
- омухта ем ва ем маҳсулотларини сотиш шохобчаларини ташкил этиш ва бошқалар.

Демак, хўжалик Уставида келтирилган мақсад, вазифа ва фаолият сохаларига кўра хўжалик кенг қамровли фаолият кўрсатувчи хўжаликлардан бири ҳисобланади.

Шунинг билан бирга хўжаликни юқоридаги мақсад ва вазифаларга эриша олапти деб бўлмайди ва уни хўжалик эришаётган якуний натижа (фойданинг) ҳажмидан ҳам билиш мумкин.

Ўз Устави ва Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилда қабул қилиниб 2004 йилда ўзгартиришлар киритилган. «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунига биноан фаолият кўрсатаётган «Хамид чорвачилик воҳаси» фермер хўжалиги кейинги йилларда кўйдаги ҳажмда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш. (Жадвал 1)

### 1-жадвал

#### Пастдарғом тумани “Хамид чорвачилик воҳаси” фермер хўжаликни қишлоқ хўжалик маҳсулотлар етиштириш динамикаси.\*

Т/р	Маҳсулотларнинг номи	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йилни фарқи +;-	
					2009 йил	2010 йил
1.	Дон учун кунгабоқар 1ц	32	-	-	32	-
2.	Куп йиллик ўтлар хосили, пичан, кўк озиқа силос учун ц	2246	2037	2036	-210	-1
3.	Маккайжухори, кўк масса ц	9600	9520	7200	-2400	-2320
4.	Қорамоллар ортган вазни, ц	56	109	107	+56	-2
5.	Сут	1080	1300	1580	+500	+280
6.	Асал	-	-	2,7	+2,7	+2,7

\*Манба: Фермер хўжалигини йиллик ҳисоботи (1-фермер)

Жадвал маълумотларига кўра хўжалик чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашганлиги сабабли хўжаликда чорвачилик маҳсулотлари ва чорвага керакли ем - хашак етиштирилган.

Хўжаликда асосий чорвачилик маҳсулоти бўлган сут етиштириш кейинги йилларда ошган. Ушбу маҳсулот етиштириш 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 500 центнерга, 2010 йилга нисбатан 280 центнерга ошган:

Шу каби хўжаликда қорамолларнинг ортган вазни 2011 ва 2010 йилларда 107 ва 109 центнерни ташкил этиб у 2009 йилга нисбатан 2 центнерга камайган ва 2009 йилга нисбатан 56 центнерга ошган.

Хўжалик 2009 йилда 32 центнер дон учун кунгабоқар ва 2011 йилда 2,7 центнер асал ишлаб чиқарган.

Хўжаликда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ошган ҳолда кўп йиллик ўтлар ҳосили ва маккайжухори кўк массаси кейиниги йилларда камайган.

Жадвалда келтирилган маълумотларга кўра фермер хўжалиги асосан чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган.

## **1.2 Хўжаликни ер, асосий воситалар, чорва моллари ва меҳнат ресурслари билан таъминланиши ва улардан фойдаланиш самарадорлиги.**

Маълумки, ер қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятида муҳим ўринни эгаллайди. Бу бўйича Республикамиз Президенти И. А. Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 февралдаги йиғилишида “Мамлакат аҳолисининг асосий қисмини даромади, фаровонлиги ердан самарали фойдаланишга, унинг унумдорлигини сақлашга боғлиқ”- деган эди.

Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодексини (Тошкент,1998йил) 81 моддасида- “Ер ва ундан оқилона фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш, ер эгаллари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг тупроқ унумдорлигини сақлашини ва тикланишдан, ерларни ишлаб чиқариш фаолиятини салбий оқибатлардан ҳимоя қилишдан манфаатдорлигини оширишга қаратилган”- дейилган.

Шу каби Ўзбекистон Республикаси «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунинг 13- моддасида - «Фермер хўжалигига ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади, улар хусусийлаштирилиши, шунингдек олди-сотди, гаров, хадя, айрибошлаш объекти бўлиши ва иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас»- дейилган.

Хўжалик Уставининг 11- моддасида “Фермер хўжалиги ажратилган ер майдонидан оқилона фойдаланишни таъминлайди” - дейилган.

Юқоридаги қонун ва қонун ости хўжжатлар талабларидан келиб чиқиб фаолият кўрсатаётган Пастдарғом тумани “Хамид чорвачилик воҳаси” фермер хўжалигини ер ресурсларидан ва чорва молларидан фойдаланиши бўйича кўрсаткичлар 2 - жадвалда берилган.

Жадвал маълумотларга кўра хўжаликда 2009 йилда 2 гектар дон учун кунгабоқар етиштирилган ва унинг ҳосилдорлиги 16 центнерни ташкил этган. Хўжаликда 2009 йилда 32 гектар, 2010, 2011 йилларда 34,2 гектар майдонга силос учун маккажўхори эккан ва унинг ҳосилдорлиги кейиниги уч йилда 300; 280 ва 211,8 центнерни ташкил этган.

Кўп йиллик ўтлар кўк массаси кейинги уч йилда 29,1 гектарга тенг бўлган ва уни ҳосилдорлигини мос равишда 77.2 ва 70 центнерни ташкил этган.

Демак, хўжаликда ем - хашак экинлари ҳосилдорлиги йилдан йилга пасайиб борган. Улар бўйича эришилган ҳосилдорлик илғор хўжаликлар даражасидан паст. Хўжалик келажакда ер майдонларидан фойдаланишни кескин яхшиланишини таъминлаши лозим.

Ер майдонларидан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича Республикамиз Президенти И. А. Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 14 февралдаги йиғилишида – «Хўжаликлар суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишни таъминлашлари лозим» - деган эди.

## 2-жадвал

**Пастдарғом тумани “Хамид чорвачилик воҳаси” фермер хўжаликги ер майдони, мол сони ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари\*.**

Тартиб рақам	Экинлар (маҳсулот) номи	2009 йил			2010 йил			2011 йил			2011 йилни фарқи +/-	
		Га ёки бош сони	Ҳосилдорлик (маҳсулдорлик)	Ялли ҳосил, ц	Га ёки бош сони	Ҳосилдорлик (маҳсулдорлик)	Ялли ҳосил, ц	Га ёки бош сони	Ҳосилдорлик (маҳсулдорлик)	Ялли ҳосил, ц	2009 йилга	2010 йилга
1	Дон учун кунга боқар	2	16	32	-	-	-	-	-	-	-	-
2	Силос учун маккажўхори	32	300	9600	34	280	9520	34	211,8	7200	-88,2	-68,2
3	Кўп йиллик ўтлар кўк масса учун	29,1	77,2	2246	29,1	70,0	2037	29,1	70,0	2036	-7,2	-
4	Етиштирилган сут	100	10,8	1080	100	13,0	1300	100	15,8	1580	+5,0	+2,8

\*Манба: хўжаликни йиллик ҳисоботи (1-фермер)

Бу юқорида келтирилган Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекси, Фермер хўжаликлари тўғрисидаги қонун, хўжалиқни Устави ва бошқа меърий ҳужжатлар талабларидан ҳам келиб чиқади.

Хўжалиқда асосий чорва маҳсулоти бўлган сут ишлаб чиқариш ҳажми ошган, аммо сигирларнинг сут маҳсулдорлиги 2009 йилда 1080 кг, 2010 йилда 1300 кг ва 2011 йилда 1580 кг килограммни ташкил этган. Сигирлар маҳсулдорлигини йилдан йилга ошиб, бориш ижобий ҳолат, аммо у илғор хўжалиқлар даражасида эмас.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар молия - хўжалиқ фаолиятини амалга оширишда уларни моддий базаси бўлган асосий воситаларнинг ўрни ва ахамиятини ниҳоятда каттадир.

Республикамизда асосий воситалар ҳисобини ташкил этишнинг меърий жиҳатдан тартибга солиш тизимининг асоси бўлган бухгалтерия ҳисоботининг № 5 Асосий воситалар миллий андозасида (Тошкент 2004 йил) кайд этилишича “Асосий воситалар – бу корхона узок вақт давомида хўжалиқ фаолиятини олиб боришда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларини бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида ёки маъмурий ва ижтимоий – маданий функцияларини амалга ошириш мақсадида фойдаланиладиган моддий активлардир”.

Ҳозирги вақтда хўжалиқлар, шу жумладан фермер хўжаликлари маълум ҳажмдаги асосий воситаларга эга.

Жумладан “Ҳамид чорвачилиқ воҳаси” номли фермер хўжалиги 2010 йилни бошига 74664 минг сўмга, 2011 йил бошига 74664 минг сўмга, 2012 йилни 1 январ ҳолатига 240749 минг сўмлик асосий воситага эга. Хўжалиқда асосий воситалар 2012 йилни бошига 2010 ва 2011 йилларга нисбатан 3,2 баробарга ошиқ бўлган. Асосий воситалар қиймати ошганинг маълум қисми уларни ҳар йили 1 январ ҳолатига ўтказиладиган қайта баҳолаш билан боғлиқ.

Хўжалиқни асосий воситаларни қийматини қайта баҳолаш бўйича 2011 йилни 1 январ ҳолатига кўйидаги қайта баҳолаш коэффициентлари

тасдиқланган. Жумладан, 2011 йилни 1 январ ҳолатига юк автомобилларини 1990 йилгача бўлгани 1,013 коэффицент билан, 1991 – 2001 йиллардаги 1,069, 2002 – 2008 йиллардагилар 1,103 2009 йилдаги 1,126, 2010 йилнинг I - чоракидаги 1,118, II - чоракидаги 1,080, III - чоракидаги 1,029 IV чоракидаги 1,012 коэффицент (СБХ ҳафталик газетаси 2010 йил 51-52 сонлар) лар қўлланилиб қайта баҳоланган. Асосий воситаларни қайта баҳолаш тартиби уларни ҳар йили қайта баҳолаш бўйича 2001 йилда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган Низомининг 7 - бандига асосан 2002 йилни 1- январидан бошлаб ҳар йили амалга оширилади.

Жадвал маълумотларига кўра хўжаликда асосий воситалар ўртача йиллик қийматини йилдан йилга ошиб, бориши ходимлар сонининг ўзгарганлиги ва ялпи маҳсулот қийматини ошиб бориш натижаларидан келиб чиқиб, хўжаликда асосий воситалардан фойдаланиш кўрсаткичларини юқори деб бўлмайти, у барқарор ҳолатига эга эмас.

Жумладан, кейинги уч йилда бир ўртача ходимга тўғри келадиган асосий восита 2012 йилда 2009 ва 2010 йилларга нисбатан 83037 минг сўмга ошган.

Хўжаликада мавжуд асосий воситалардан фойдаланишнинг самарадорлиги кўрсаткичларни 3-жадвалда берилган.

Жадвал маълумотларига кўра хўжалик чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашганлиги сабабли хўжаликда чорвачилик маҳсулотлари ва чорвага керакли ем - хашак етиштирилган.

Хўжаликда йилдан йилга асосий воситалар қийматини ошиб бориши улар самарадорлигикни етарли даражада ошишига олиб келмаган.

Жумладан, хўжаликда фонд қайтими 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 0,2 тийинга ошгаган бўлса, 2010 йилга нисбатан 0,39 тийинга пасайган. Фонд сифими эса 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 58 тийинга камайган бўлса, 2010 йилга нисбатан 0,51 тийинга ошган.

**Пастдарғом тумани “Хамид чорвачилик воҳаси” фермер  
хўжалигининг асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлиги.\***

Т/р	Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йилни фарқи +/-	
					2009 йил	2010 йил
1.	Асосий воситаларни ўртача йиллик қиймати, минг сўм	74664	74664	157703	83037	83037
2.	Ялпи маҳсулот, минг сўм	37700	81205	111222	73522	30017
3.	Ходимларнинг ўртача йиллик сони	20	29	23	3	-6
4.	Ўртача бир ходимига тўғри келадиган асосий восита, минг сўм	3733,2	2574,6	6856,6	3123,4	4282
5.	Банд қиймати, сўм	0,50	1,09	0,70	0,2	-0,39
6.	Фонд сиғими, сўм	2,00	0,91	1,42	-5,8	0,51

\*Манба: хўжаликни йиллик ҳисоботи (1-фермер)

Юқоридагилардан келиб чикиб хўжалик мавжуд асосий воситалардан янада самарадорроқ фойдаланиш чораларини кўрмоғи лозим. Республикада меҳнатга ва меҳнат ресурсларига оид муносабатларни меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларни ва у билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг (Тошкент, 1995 йил) 2- моддасида - “Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ходимлар, иш берувчилар давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда меҳнат бозорини самарали амал қилишини ҳақиқий ва

хавфсиз меҳнат шарт - шароитларини, ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ва соғлигини ҳимоя қилишни таъминлайди, меҳнат унумдорлигини ўсишига, иш сифатини яхшилашга, шу асосида барча аҳолининг моддий, маданий турмуш даражасини юксалтиришга кўмаклашади” дейилган.

Бу бўйича “Фермер хўжалиги тўғрисида” ги қонуннинг 23-моддасида – “Фермер хўжалиги (иш берувчи) ва унинг ходимларига меҳнатга ҳақ тулаш улар ўртасидаги меҳнат шартномаси (контракти) билан тартибга солинади” - дейилган.

Пастдарғом тумани “Ҳамид чорвачилик воҳаси” фермер хўжалиги 2009-2011 йилларда 20-29 ўртача йиллик ходим билан меҳнат муносабатларини олиб борган. (Жадвал4)

Жадвал маълумотларига кўра хўжаликда ялпи маҳсулот ҳажми 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 3,0 баробарга ошган бўлса, шу даврда меҳнат ҳақи фондини ошиши 3.7 баробарга тўғри келади. Демак, 2011 йилда меҳнат унумдорлигини 2009 йилга нисбатан 3,0 баробарга ошган бўлса меҳнат ҳақини 3,7 баробарга ошган.

Келтирилган маълумотларга кўра хўжаликда меҳнат унумдорлигининг ошиши суръатлари меҳнат ҳақини ўсиши суъратларидан паст, аслида назарий жиҳатдан меҳнат унумдорлигини ошиши меҳнат ҳақини ўсиш суъратларидан юқори бўлиш керак. Ўз навбатида ялпи маҳсулотни ошиши меҳнат ҳақини ҳам маълум даражада ошишига олиб келиши лозим.

Юқоридаги ҳолат туфайли хўжаликда бир ўртача йиллик ходимининг ойлик меҳнат ҳақи даражаси 2009 йилда 25000 сўм, 2010 йилда 30460 сўм ва 2011 йилда 79355 сўмни ташкил этган.

Хўжаликда 2011 йилда эришилган ойлик меҳнат ҳақи даражаси 79355 сўм Республикамиздаги иш ҳақининг минимал даражасидан фақат 16435 сўм юқори ҳолос.

**Пастдарғом тумани “Хамид чорвачилик воҳаси” фермер  
хўжаликни меҳнат ресурслари ва ундан фойдаланиш кўрсаткичлари.\***

Т/р	Кўрсаткичлар	2009 Йил	2010 йил	2011 йил	2011 йилни фарқи +;-	
					2009 йилга	2010 йилга
1.	Ўртача йиллик ходимлар, сони	20	29	23	3	-6
2.	Ялпи маҳсулот, минг сўм	37700	81205	111222	73522	30017
3.	Меҳнат ҳақи фонд, минг сўм	6000	10600	21902	15902	11302
4.	1 ўртача йиллик ходимга тўғри келади;	-	-	-	-	-
а)	Ялпи маҳсулот, минг сўм	1885	2800	4836	2951	2036
б)	Меҳнат ҳақи, фонди минг сўм	300	365,5	952,3	652,3	586,8
5.	1 ўртача йиллик ходимнинг ўртача ойлик меҳнат ҳақи, сўм	25000	30460	79355	54355	48895

\*Манба: хўжаликни йиллик ҳисоботи (1-фермер)

Шунинг учун хўжалик раҳбарияти келажакда ходимлар меҳнат ҳақи даражасини янада ошириш чораларини куриш лозим.

Ходимлар меҳнат ҳақи даражасини муттасил ошириб боришнинг аҳамиятига тўхталиб Республикамиз Президенти - И. А. Каримов – «Иш

ҳақи миқдорини ва аҳоли турмуш даражасини изчил ошириб бориши бўйича устувор вазифанинг ечими мамлакатимиз тараққиётнинг ҳозирги босқичида наинки, ўлкан ижтимоӣ аҳамиятига эга, айна пайта юртимизда ижтимоӣ- сиёсий барқарорликни мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи омили десак, ҳақиқатни айтган бўламиз» - деган эди Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12- февралдаги йиғилишида.

## II. Мавзуни назарий асослаш ва адабиётлар шархи.

### 2.1 Мавзуни назарий асослаш

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик корхоналари олдида турган асосий вазифалардан бири бўлиб фойда билан фаолият кўрсатиш ҳисобланади. Фойда билан фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг мамалакат иқтисодиётини ривожлантиришда аҳамиятини катта, зарар билан ишлаётган корхоналар эса унга салбий таъсир этиб уни заифлашишга сабаб бўлади.

Юқоридагилар келиб чиқиб хўжаликни фойдаси қанчалик кўп бўлса у иқтисодий жиҳатдан шунча мустаҳкам бўлади, фойда миқдори ошган сайин корхонанинг молиявий барқарорлиги мустаҳкамланиб, тўловга қодирлиги ошиб боради, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш даражаси яхшиланиб боради, оқибатда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ривожлантириш моддий неъматларини яратувчиларининг моддий манфаатдорлик даражасини ошиши каби ижтимоий – иқтисодий масалаларни ҳал этиш учун шароит яратилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини фойдали юритиш учун ҳаракат қилиш лозим.

Шунинг билан бирга Республикамиз Президенти И. А. Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 январидagi йиғилишида таъкидлашича – «Ўтган йили 3 минг 800 дан ортиқ фермер хўжалиги пахта етиштириш бўйича шартнома мажбуриятини бажара олмаган. Натижада 120 млрд сўмликдан ортиқ ёки 160 минг тоннадан зиёд пахта хом ашёси кам етказиб берилди. Агар бу кўрсаткични экспорт қилиш мумкин бўлган пахта толасига айлантирадиган бўлсак, бой берилган фойда ҳажми, пахтани қайта ишлашдан олинadиган мой, шрот, кунжара ва бошқа маҳсулотларни ҳисобга олмаганда ҳам, йўқотиш қарийиб 100 миллион долларни ташкил этади»- деган эди.

Шунинг учун Республикамиз Президенти И. А. Каримов ушбу йиғилишида «Шуни очик, тан олиш керакки, фермер хўжаликларини

ташкил этиш ва уларнинг маъсулиятини янада ошириш борасида ҳали кўп иш қилишимиз лозим»- деган эди.

Бу шу билан боғлиқки, хозорги вақтда ҳамма фермер хўжаликларини ҳам юқори ва барқарор фойда олиб фаолият кўрсатаяпти деб бўлмайди.

Жумладан, битирув малакавий ишининг ўрганиш объекти ҳисобланган Пастдарғом тумани « Хамид чорвачилик воҳаси » фермер хўжалиги 2009 йил 8112 минг, 2010 йилни 3273 минг сўм ва 2011 йилни 12783 минг сўмлик фойда билан яқунланган. Демак, хўжалик кейиниги уч йилни ҳам фойда билан яқунлаган, аммо у барқарор ҳолатига эга эмас, чунки 2011 йилда хўжалик 2009 йилга нисбатан 3671 минг сўмга кўп фойда олган бўлса, 2010 йилга нисбатан 8510 минг кўп бўлган. Бунда 2010 йилда олинган фойда 2009 йилга нисбатан 48396 минг сўмга кам бўлган ва у 2011 йилда олдинги икки йилга нисбатан юқори бўлган.

Умуман олганда, хўжаликда фойда миқдори етарли даражадаги барқарор ўсишига эга эмас.

Юқоридаги ҳолатдан келиб чиқиб мазкур битирув малакавий ишининг асосий мақсади хўжаликда чорвачилик маҳсулотлар, ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан олинadиган фойдани шаклланиши ҳолатини унга таъсир этувчи омилларни таҳлил этиш асосида фойда ҳажмини ошириш, хўжаликни молиявий ҳолатини барқарорлигини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув иши бўйича « Хамид чорвачилик воҳаси » фермер хўжалиги фаолияти натижаларидан келиб чиқиб ишлаб чиқилadиган таклифлар нафақат ушбу хўжалик учун, балки бошқа хўжаликлар учун ҳам аҳамиятли бўлиши мумкин.

## 2.2 Адабиётлар шархи.

Маълумки, фойда хўжаликлар фаолиятини якуний кўрсаткичи ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич бир томондан якуний молиявий натижани ифода этса, иккинчи томондан корхонининг молиявий ресурслари, хусусий капитални шакллантиришнинг асосий манбаи, ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг ҳамда ходимларни рағбатлантиришнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Шу нўқтаи назардан келиб чиқиб фойдани шаклланишини, ундан фойдаланиш тўғрисида кўплаб олимлар ва хўжаликлар мутахассисларининг турлича фикрлари мавжуд.

Жумладан, М Рахимов ( Фойда шаклланишни таҳлил этишнинг муҳим масалалари. Бозор, Пул ва Кредит журнали 2011 йил 3-сон 60 - 62 бетлар)ни таъкидлашча фойдани шаклланиши ва тақсимланишини таҳлил этишда асосий эътибор рақобатбардошлик ва хўжалик субъектининг молиявий барқарорлигини таъминлашга имкон берувчи фойдани ўстиришнинг ички имкониятларини излаб топишга қаратилмоғи лозим деб таъкидлайди.

Муаллифни таъкидлашча фойдани таҳлил этиш давомида кўйдаги вазифаларни ҳал этиши лозим:

- Фойдани динамик ўзгаришини таҳлили;
- Фойданинг таркиби ва тўзилишига баҳо бериш;
- Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойдани омилли таҳлил қилиш;
- Фойдани шаклланиши ва тақсимланишни таҳлил этиш;
- Рентабеллик кўрсаткичларини баҳолаш;
- Корхона фойдасини ўстиришнинг имкониятларини ҳисоблаш ва уларни йўлга қўйиш чора-тадбирларини белгилаш;

Муаллифни таъкидлашча фойданинг шаклланиши ва ишлатилиши асосий масалалар, биринчи навбатда, ҳисоб ва ҳисоботларнинг амалдаги ҳолати, тартиби билан белгиланади.

Маҳсулот етиштириш ҳаражатлари ҳисобининг ҳамда молиявий натижаларни ҳисоблашнинг асосий меъёрий ҳужжати бўлиб «Маҳсулот ( иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шаклланиши тартиби тўғрисидаги Низом» ҳисобланади.

Низомга кўра хўжаликларда ҳаражатлар дастлаб кўйдаги гуруҳларга бўлинади:

1. Маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган ҳаражатлар;
2. Маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган ҳаражатлар;
3. Молиявий фаолият ҳаражатлар;
4. Фавқулодда зарар.

Низомга кўра маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган ҳаражатлар кўйдаги элементларга бўлинади:

1. Ишлаб чиқаришга оид моддий ҳаражатлар;
2. Ишлаб чиқаришга оид меҳнат ҳақи;
3. Ишлаб чиқаришга оид ижтимоий суғирта ҳаражатлари;
4. Ишлаб чиқаришга оид асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси;
5. Ишлаб чиқаришга оид барча ҳаражатлари.

Низомда ҳаражат элементларининг ҳар бирининг таркиби берилган. Шунинг билан бирга ушбу таркибдаги ҳаражатлар аксарият ҳолларда қишлоқ хўжалик корхоналарининг хусусиятларини тўлиқ ҳисобга олмаган.

Шунинг билан бирга ушбу Низомда хўжаликлар хўжалик фаолияти натижасида олинадиган даромадларни кўйдагиларга бўлиш тавсия этилган:

1. Сотидан соф тушум;
2. Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар (операцион даромад):
  - а) Хўжалик шартномасини бўзилганлиги туфайли тўланган жарима ва бошқалар.

- b) Ўтган йилларга тегишли бўлган шу йили аниқланган фойда.
  - c) Асосий восита ва бошқа мулкни сотишдан тушум.
  - d) Маҳсулот (иш,хизмат)ларни сотиш билан тўғридан – тўғри боғлиқ бўлмаган тушумлардан ( ошхона, ёрдамчи ишлаб чиқариш ва бошқалардан) тушум.
3. Молиявий фаолиятдан даромад:
- a) Кредит ресурсларни жалб қилиш ва уларни берилишидан тушум.
  - b) Қимматли қозғалар бўйича операциялардан тушум.
  - c) Валюта операциялардан тушум.
  - d) Узок муддатли ижарага мулкни бериш ёки олишдан тушум.
4. Фавқулодда зарар – хўжалик фаолиятидан кам учрайдиган ва хўжаликни бошқариш билан боғлиқ бўлмаган зарар ва ҳаражатлар (чет эл валютаси билан бўладиган операциялар бўйича зарар, табиий офатдан зарар, уруш ва инқилоб туфайли кўрилган зарар ва бошқалар.)

Шу каби Низомда хўжалик фаолияти натижалари бўйича эга бўладиган фойданинг турлари қайд этилган бўлиб улар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27-декабрдаги 140-сонли буйруғига 1-сонли иловада берилиб Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлига томонидан 2003 йил 24- январда 1209- рақами билан рўйхатга олинган Молиявий ҳисоботнинг «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ( 2-шакл)да» кўйдагича ўз аксини топган:

- 1. Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойда;
- 2. Асосий фаолиятнинг фойда;
- 3. Умумхўжалик фаолиятидан фойда;
- 4. Даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда;
- 5. Ҳисобот даврининг соф фойдаси.

Ушбу фойда турларини аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг юқоридаги буйруғи асосида ишлаб чиқилган

«Молиявий ҳисобот шакллари тулғазил бўйича қоидалар»да батафсил баён этилган.

Ушбу қоидалар асосида юқоридаги фойда турлари аниқлаш тартиби ишнинг 3 бобида берилган.

Молиявий натижалар ҳақида муаллиф Т. Қудратов, Файзиева Н. (Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг таҳлили, Самарканд 2010 йил 113 бет) фикр юритиб молиявий натижа деганда фойда ёки зарар тушунилади.

Ушбу натижалар маҳсулот сотишдан тушум ва унга қилинган харажатни фарқи сифатида аниқланади. Хуллас, фойда даромад ва харажатлар нисбатидан юқори ўзгарувчанликки, зарар эса улар нисбатидан кўйи ўзгарувчанликни ифодалайди.

Фойда қанча кўп бўлса корхона иқтисодий жиҳатдан шунча мустаҳкам бўлади. Фойда ошган сайин корхонанинг иқтисодий барқарорлиги мустаҳкамланиб, тўловга қодирлиги ошиб боради, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш даражаси яхшиланиб боради, оқибатда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ривожлантириш, моддий неъматларни яратувчиларининг моддий манфоатдорлик даражасини ошириш каби ижтимоий – иқтисодий масалаларни ҳал қилиш учун шароит яратилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини фойдали юритиш учун ҳаракат қилиши лозим. Фойдали фаолият кўрсатиш учун иқтисодий таҳлилни самарали ташкил қилишни аҳамияти катта, чунки фойдани кўпайтириш ва зарар билан фаолият юритишга йўл кўймаслик учун зарур бўлган имкониятларни фақат таҳлил аниқлаш имкониятини беради – деб тўғри таъкидлашади муаллифлар.

Аслида, таҳлилнинг мақсади ҳам фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари динамикасини чуқур ўрганиш ва ошириш имкониятларини аниқлашдан иборат.

Пастдарғом туман «Хамид чорвачилик вохаси» фермер хўжалигида 2011 йилда жами пул тушуми 111222 минг сўмни ташкил этади ва унинг асосий қисми чорвачилик соҳасиги тўғри келади.

Муаллиф 3. Саъдуллаев ( Корхоналарнинг молиявий таҳлили масалалари БПК журнал 2011 2-сон 63-64 бетлар) корхоналарнинг барқарорлик кўрсаткичларига, жумладан тўлов қобилиятига тўхталиб тўлов қобилияти кўрсаткичини муайян давр учун, яъни динамикада молиявий ҳолат баҳосини беришга имкон берувчи тўлов қобилияти кўрсаткичи ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб таъкидлайди.

Муаллифни таъкидлашича ушбу кўрсаткич ҳисобот санаси учун жорий ликвидлик коэффициентидан фарқли улароқ, кўйидаги шартлар бажарилгандагина аниқлаш мумкин;

- нафакат жорий мажбуриятлар, балки барча узоқ муддатли мажбуриятлар, яъни жами қарз капиталини қайтарилиши лозим;
- қарз маблағларини қайтариш манбаси сифатида муайян тушум манбалари ва фойдаланиш йўналишлари, мавжуд корхонанинг пул ресурсларини юзага келтирувчи ўз маблағлари иштирок этиши лозим;
- давр учун тўлов қобилияти мезони фаолияти тури, ишлаб чиқариш кўлами ёки рентабелликдан мустақил равишда ҳар бир соҳа учун индивидуал тарзда ўрнатилади;
- банкротлик ҳолатига ўтишнинг иқтисодий шартлари ва чекловлари аниқланади.

Корхонанинг давр учун тўлов қобилиятини баҳолаш бухгалтерия баланси маълумотлари бўйича амалга оширилади, давр учун тўлов қобилияти кўрсаткичи молиявий барқарорлик шартининг бажарилиши мезони сифатида намаён бўлади, яъни тўлов қобилияти даражаси ва иқтисодий ўсиш суръатини белгилайди.

Умуман фойда ҳажмини аниқлаш методологиясига тўхталиб немис олими Э.Шваннбах (Д. Холбоев Молиявий ҳисобот, Самарканд 2005 йил

50-51 бетлар) фойдани аниқлаш бўйича бухгалтерия ҳисоби методологиясини маълум даврда ўзгариб туришини ҳисобга олиб уни аниқланиши шартлидир дейди.

Ҳақиқатдан ҳам ҳар бир давр, бўйича қабул қилинган йўриқномаларнинг талабларидан келиб чикиб бухгалтерия ҳисобини юритиш ва унинг маълумотлари асосида молиявий натижани аниқлаш тегишли хусусиятларга эга.

Жумладан, яқин вақтларгача маҳсулотнинг тўлиқ таннархига сотиш ва бошқарув ҳаражатлари қўшилган, ҳозирги вақтда эса маҳсулот таннархи ишлаб чиқариш таннархи ҳисобланиб, унга сотиш билан боғлиқ ва бошқарув ҳаражатлари (умумий хўжалик ҳаражати) кўшилмайди.

Ушбу ҳаражатлар йил охирида умумий молиявий натижага ўтказилади ва маълум даражада умумий молиявий натижа миқдорига таъсир кўрсатади.

### **III-боб Фойда, унинг кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш тартиби.**

#### **3.1 Ялпи ва асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан фойда.**

Ҳар қандай хўжалик субъекти фаолиятининг якуний натижаси маълум молиявий натижа – фойда ёки зарар ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобининг 3- «Моливий натижалар тўғрисида»ги миллий андозасининг 5- моддасига кўра – «Хўжаликни умумий фаолияти – бу хўжалик юритувчи субъектининг ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти бўлиб, унинг оддий фаолияти, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг келгусида тараққиётига, хўжалик юритувчи субъект иқтисодий фойдаларини мустаҳкамлашга, устиришга қаратилган фаолиятидан иборат» - дейилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектининг асосий мақсади, фойда олиш билан фаолият кўрсаткич ҳисобланади.

Пастдарғом тумани «Хамид чорвачилик воҳаси» фермер хўжалиги ҳам бу тўғрисида ўзининг Пастдарғом хокимлиги қошидаги тадбиркорлик субъектларнинг Давлат рўйхатидан ўтказиш Инспекцияси томонидан 2007 йил 24 январда 40/40 - рақами билан Давлат рўйхатидан ўтказилиб унинг фаолияти бўйича тасдиқланган Уставининг 10 - моддасида чорвачилик ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни ва бошқа ишлаб чиқариш асосида фойда олиш, аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда ўз аъзоларининг ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжларини қондириш фермер хўжалигини мақсади ҳисобланади - дейилган.

Шу каби хўжалик Уставининг 36- моддасида «Фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш ва бошқа фаолияти натижасида олинган даромад (фойда) солиқлар, йиғимлар ҳамда бошқа тўловлар тўлангандан кейин бутунлай фермер хўжалигининг ихтиёрига ўтади ва уни мустақил равишда тасарруф этади» - дейилган.

Фойда (зарар) шаклланиши бўйича асосий меъёрий ҳужжат бўлиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилни 5- февралда тасдиқланиб 2003 йил айрим ўзгаришлар киритилган «Маҳсулот (иш,хизмат)ларини ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатларини таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом» ҳисобланади.

Ушбу Низомга асосан хўжаликлар молиявий натижалар (фойда) ни кўйдаги турлари бўйича аниқлаши лозим:

1. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан ялпи фойда (зарар);
2. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан фойда (зарар);
3. Умумхўжалик фаолиятидан фойда (зарар);
4. Солиқлар тўлангунча фойда (зарар);
5. Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари).

**1.Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан ялпи фойда** уларни сотишдан пул тушумидан сотилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархини чегириш орқали аниқланади ва у кўйдагича ифодаланади:

$$\mathbf{ЯФ=СПТ-ТН}$$

Бунда: СПТ- сотишдан пул тушуми.

ТН- сотилган маҳсулотни таннархи.

«Хамид чорвачилик воҳаси» фермер хўжалигида 2011 йилда ялпи фойда ушбу формуладан келиб чиқиб кўйдагича бўлган:

$$\text{СПТ (111222) – ТН (91949)= 19273 минг сўм.}$$

**2.Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан фойда** таркибига ялпи фойдадан ташқари асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари ва зарарларининг фарқи ҳамда улардан давр ҳаражати чиқарилиб аниқланади, яъни;

$$\mathbf{АФФ = ЯФ – ДХ –БД –БЗ.}$$

Бунда: ЯФ- ялпи фойда.

ДХ- давр ҳаражати.

БД – асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

БЗ- асосий фаолиятга киритилган бошқа зарарлар.

«Хамид чорвачилик воҳаси» фермер хўжалигида 2011 йилда ушбу кўрсаткич 19273-6490 (давр харажати) = 12783 минг сўм бўлган.

### **3. Умумхўжалик фаолиятдан фойда.**

$$\text{УФ} = \text{АФФ} - \text{МД} - \text{МХ}$$

Бунда: МД – молиявий фаолиятдан олинган даромад.

МХ – молиявий фаолиятдан харажатлар.

Хўжаликда молиявий фаолият бўйича ҳисобот йилида даромад ҳам харажат ҳам ҳисобга олинмагани учун фойдани бу кўрсаткич ҳам асосий фаолият бўйича фойда кўрсаткичига (12783 минг сўм) тенг.

### **4. Солик тўлагунча фойда**

$$\text{СТФ} = \text{УФ} + \text{ФП} - \text{ФЗ.}$$

Бунда; ФП – Фавкулотда вазиятлардан фойда.

ФЗ – Фавкулотда вазиятлардан зарар.

Хўжаликда ҳисобот йилида фавкулотда вазиятлардан фойда ва зарарлар бўлмагани туфайли фойдани ушбу мақсади ҳам асосий фаолиятдан фойда кўрсаткичига тенг.

### **5. Соф фойда.**

$$\text{СФ} = \text{СТФ} - \text{ДС} - \text{БС}$$

Бунда; ДС – даромад (фойда)дан тўланадиган солик

БС- бошқа солиқлар ва тўловалар.

Хўжаликда ушбу кўрсаткич 12783 минг сўм, яъни ў фойдани 3,4 турларини чиқарилмасидан аниқланган.

Пастдарғом тумани «Хамид чорвачилик воҳаси » фермер хўжалигида фойданинг юқорида кайд этилган кўрсаткичлари бўйича маълумотлар 5 жадвалда берилган.

Жадвал маълумотларига кўра хўжалик кейинги 3 йил давомида ҳам фойдани 5 кўрсаткичидан учтаси бўйича маълумотга эга. Ушбу уч

кўрсаткичдан ҳам асосий фаолиятдан фойда билан соф фойдани бир хил бўлишлигини тўғри деб бўлмайди, чунки асосий фаолият бўйича фойдадан тўланадиган солиқ чиқарилгандан ушбу фойда билан соф фойдани бир хил бўлмаслиги аён бўлади.

### 5-жадвал

#### Пастдарғом тумани “Хамид чорвачилик воҳаси” фермер хўжаликда фойда кўрсаткичлари динамикаси, минг сўм.\*

Т/р	Кўрсаткичлар	2009 Йил	2010 йил	2011 йил	2011 йилни фарқи +;-	
					2009 йилга	2010 йилга
1.	Маҳсулот сотишдан ялпи фойда.	10536	5673	19273	8737	13600
2.	Асосий фаолиятдан фойда.	8112	3273	12783	4671	9510
3.	Умумхўжалик фаолиятдан фойда.	-	-	-	-	-
4.	Солиқ тўлагунча фойда.	-	-	-	-	-
5.	Соф фойда.	8112	3273	12783	4671	9510

\*Манба: Хўжаликни йиллик ҳисоботи (1- фермер)

Хўжалик албатта солиқ тўловни амалга оширади, чунки у 2006 йилда буён фаолият кўрсатади ва солиқ бўйича имтиёзги эга эмас.

Умуман хўжалик кейинги уч йилда 8112, 3273, 12783 минг сўмлик соф фойдага эгаллиги уни барқарор иқтисодий бақувват хўжаликлардан эмаслигини кўрсатади.

Хўжаликни 2009, 2010, 2011 йиллар учун тўзилган «Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисобот (2- шакл)да умумхўжалик фаолиятидан фойда ва солиқ тўлагунча қадар фойда кўрсаткичларини кўрсатилмаганлиги молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш тартиби бўйича қоидаларни бажарилмаганлигини кўрсатади.

Шунинг учун хўжалик молиявий ҳисобот шакллари, шу жумладан молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл)ни йўриқнома

талаблари асосида тўлдиришни таъминлаш лозим. Бунинг аҳамияти шундаки, молиявий ҳисобот шаклларида нафақат ушбу хўжалик, балки ундан бошқа фойдаланувчилар ҳам фойдаланади.

### **3.2 Бошқа фаолиятлардан фойда.**

Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатларини таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомга биноан хўжалик юритиш субъектлари ялпи ва асосий фаолиятдан олинган фойдадан ташқари молиявий ва бошқа фаолиятлардан ҳам тегишли натижага эга бўлиши мумкин.

Хўжалик молиявий фаолиятини асосий операцияларга қўйидаги фаолиятлар киради.

1. Кредит ресурсларини жалб этиш ва қайтариш;
2. Қимматли қоғозлар бўйича операциялар;
3. Мулк ва маблағларни узок муддатли ижарага бериш ёки ижарага олиш.

Юқоридаги Низом ва у асосида тўзиладиган «Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисобот (2-шакл)га кўра молиявий фаолиятдан даромад (фойда) қўйидагилар ҳисобига ташкил бўлади:

1. Диведентлар шаклидаги даромад;
2. Фоизлар шаклидаги даромад;
3. Узок муддатли ижара (лизинг)дан даромад;
4. Валюта курси фарқидан даромадлар;
5. Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари (қимматли қоғозларга инвестицияларни қайта баҳолаш ва бошқалар.)

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл)да юқорида келтирилган моддалар бўйича хўжаликни молиявий фаолияти бўйича ҳисобга олиб борилади. Ҳисобот давр якунида юқоридаги моддалар

бўйича даромадлар ва харажатлар таққосланиб молиявий фаолиятдан молиявий натижа – фойда ёки зарар аниқланади.

«Хамид чорвачилик воҳаси» фермер хўжалигида 2009- 2011 йиллар мобойнида молиявий фаолиятнинг юқорида келтирилган бирон бир моддаси бўйича даромад ҳам харажат сўммалри мавжуд эмас. Шунинг учун хўжалик томонидан тўзилган (2-шакл)да молиявий фаолият бўйича тегишли рақамлар ўз аксини топмаган.

Хўжалик келажақда молиявий фаолият бўйича ҳам маълум даражада ўз фаолиятини бошқлаши лозим, чунки хўжаликлар бозор иқтисодиёти шароитида имконияти бориша бошқла соҳалардан ҳам ўз фойдасини ошириш чораларини кўриши лозим.

### **3.3 Фойдага таъсир этувчи омиллар таҳлили.**

Ҳисобит йилидаги ялпи фойда ҳажмини бизнес - режа бўйича кўзда тутилган фойдага ёки базис йилидаги фойда сўммасига солиштирилиб унинг сўммасига солиштирилиб унинг мутлоқ ва нисбат миқдорларига ўзгариши аниқланади. Бошқлача айтганда ҳисобот йилидаги фойдадан базис йилидаги ёки режалаштирилган фойда сўммасини айириб унинг ўзгариши (ошиқ ёки камлиги) аниқланади.

Ишнинг ушбу қисмида Пастдарғом тумани «Хамид чорвачилик воҳаси» фермер хўжалигининг ҳисобот ва базис йили маълумотлари асосида фойдага таъсир этувчи омилларнинг улуши ўрганилади.

Юқорида таъкидлаганидек ялпи фойданинг таҳлили уни ҳисобот ва базис йилларидаги миқдорларни таққослашдан бошланади ва у бўйича кўйидаги формуладан фойдаланилади.

$$(q_1 p_1 - q_1 z_1) - (q_0 p_0 - q_0 z_0)$$

Бунда;  $p_1$   $p_0$  - шу йилларда сотилган 1 центнер маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳоси.

$q_1$   $q_0$  - ҳисобот ва базис йилларда сотилган маҳсулот миқдори.

$z_1 z_0$  - шу йилларда сотилган 1 центнер маҳсулотнинг таннари.

Келтирилган формуладан маълумки, сотилган маҳсулотдан олинган ялпи фойдага маҳсулотдан олинган ялпи фойдага кўйдаги уч омил таъсир кўрсатади:

1. Сотилган маҳсулот миқдорини ўзгариши ( $q_1 q_0$ )
2. 1 центнер маҳсулотни ўртача сотиш баҳоси ( $p_1 p_0$ )
3. 1 центнер маҳсулотни ўртача ишлаб чиқариш таннарини ўзгариши ( $z_1 z_0$ )

Ялпи фойдага юқоридаги омиллар таъсирини аниқлашда «Кўрсаткичлар фарқи ва Занжирли боғланиш» усуллари ёрдамида «Хамид чорвачилик воҳаси» фермер хўжалиги маълумотлари асосида кўйдагича аниқланди. (Жадвал 6)

#### 6-жадвал

**Пастдарғом тумани “Хамид чорвачилик воҳаси” фермер хўжалигини сут сотиш бўйича маълумотлари.\***

Т/р	Кўрсаткичлар	Базис (2010 йил)	Ҳисобот (2011) йил	Ўзгариш+;-
1.	Сотилган сут, ц	1139	1050	-89
2.	1 ц сутни сотиш баҳоси, сўм	37366,11	49839,05	12472,94
3.	1 ц сутни таннари, сўм	30752,28	38894,45	8142,17
4.	1 центнер сут сотишдан фойда, сўм	6613,83	10944,60	4330,77
5.	Ялпи фойда, минг сўм.	7533,14	11491,8	+3958,66

\*Манба: Хўжаликни йиллик ҳисоботи (1 фермер)

Жадвал маълумотларига кўра хўжаликда сут сотиш ҳажми 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 89 центнерга камайган.

Хўжаликда 1 центнер сутни сотиш баҳоларини ўтган йилга нисбатан 8142 сўм 17 тийинга ва унинг таннари 4330 сўм 77 тийинга ошган. 2011 йилда 1 центнер сут сотиш баҳоси унинг таннарига нисбатан 10944 сўм 60 тийинга кўпроқ ошиқ бўлган бўлса у 2010 йилда 6613 сўм 83 тийин бўлган.

Шу ҳисобдан 2011 йилда сотилган маҳсулот ҳажмини 89 центнерга кам бўлишига қарамасдан сотиш баҳосини ўтган йилга нисбатан ошиқ бўлиши ҳисобига хўжалик 2011 йил 2010 йилга нисбатан сут сотишдан ялпи фойдани 3958.66 минг сўмга ошиқ бўлишига эришилган.

Келажакда хўжалик сут сотишдан ялпи фойдани янада оширишда таъминлаш учун уни сотиш ҳажмини ҳам кўпайтиришга эришиши лозим.

Юқоридаги маълумотлар асосида сотилган сутдан олинган ялпи фойдага таъсир этувчи омиллар таъсири ва улар улуши аниқланди.

Ялпи фойдани ўзгаришига сотилган сут миқдори таъсирини аниқлаш учун ҳисобот ва базис йилларида сотилган сут миқдори орасидаги фарқи базис йилага 1 центнер сутни сотишдан олинган фойда сўммасига кўпайтирилди ва у қўйдагича бўлади:

$$89\text{ц} \times 6613,83\text{сўм} = 588,6 \text{ минг сўм.}$$

Демак, ҳисобот йилида базис йилига нисбатан сотилган сут миқдорининг 89 центнерга камайиши натижасида сут сотишдан олинган ялпи фойда сўммаси базис йилига нисбатан 588,6 минг сўмга камайган.

Ялпи фойданинг ўзгаришига иккинчи омилни, яъни 1 центнер сут ўртача сотиш баҳоси ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот ва базис йилларидаги ўртача сотиш баҳоллари орасидаги фарқни ҳисобот йилида сотилган сутнинг миқдorigа кўпайтирилади ва у ўрганилаётган хўжаликда қўйдагича:

$$12472,94 \times 1050\text{ц} = +13096,6 \text{ минг сўм.}$$

Фойданинг ўзгаришига учинчи омилнинг, яъни 1 центнер сутнинг таннархи ўзгаришининг таъсирини аниқлаш учун ҳисобот ва базис йилларидаги 1 центнер сутни таннархи орасидаги фарқни ҳисобот йилида сотилган сутни ҳақиқий миқдорига кўпайтирилади ва у «Хамид чорвачилик воҳаси» фермер хўжалигида қўйдагича:

$$8142,17 \times 1050 \text{ц} = 8549,3 \text{ минг сўм.}$$

Келтирилган омиллар таъсирини ялпи фойданинг умумий ўзгаришига тенг бўлиши керак ва уларни умумий ҳолда қўйидаги жадвалда келтирилган. (Жадвал 7)

### 7-жадвал

**Пастдарғом тумани “Хамид чорвачилик воҳаси” фермер хўжалигининг сут сотишдан олинган ялпи фойданинг омилли таҳлили.\***

Т/р	Кўрсаткичлар	Базис (2010 йил)	Ҳисобот (2011) йил	Ўзгариш+;- йил
1.	Сотилган сут, ц	1139	1050	-89
2.	1 ц сутни сотиш баҳоси, сўм	37366,11	49839,05	12472,94
3.	1 ц сутни таннархи, сўм	30752,28	38894,45	8142,17
4.	1 центнер сут сотишдан фойда, сўм	7533,14	11491,8	3958,7
	Шу жумладан:			
	А) сотилган сут миқдорини ўзгариши ҳисобига	X	X	588,6
	б) 1 центнер сутнинг сотиш баҳосининг ўзгариши ҳисобига	X	X	13096,6
	В) 1 центнер сутни таннархини ўзгариши ҳисобига	X	X	8549,3

\*Манба: Хўжаликни йиллик ҳисоботи (1 фермер)

Демак, хўжаликда 2011 йилда 2010 йилга нисбатан сут сотишдан ялпи фойда 3958,6 сўмга ошган. Ушбу ошишни унга таъсир этувчи омиллар улушини аниқлаганда сутни сотиш баҳоларини ошиши ҳисобига 13096,6 сўмга фойда ошган, аммо бу миқдорни сақланиб қолмаслигининг сабаби, ушбу фойдани сотилган маҳсулот миқдорини камайиши ҳисобига 588,6 минг сўм ва маҳсулот таннархини ошиши ҳисобига 8549,3 минг сўмга фойдани камайиши умумий ялпи фойдани бўлишига олиб келган ялпи фойдани бўлишига олиб келган.

(13096,6-588,6-8549,3)

#### **IV.боб Молиявий барқарорлигик ва унинг тахлили.**

##### **4.1 Молиявий барқарорлиқнинг моҳияти ва мезонлари.**

Молиявий барқарорлик деганда хўжалиқни моддий айланма маблағларни ташкил қилувчи манбалар билан мавжуд товар – моддий захиралар ҳажмининг қопланиши даражаси тушуштиради. Ушбу таърифдан келиб чиқиб хўжалиқ моддий айланма маблағлари, уларни ташкил қилувчи манбалар билан тўлиқ таъминланган тақдирда у молиявий барқарор ҳисобланади.

Молиявий барқарорлик мезонига кўра хўжалиқ моддий айланма маблағлари ҳажми ўз айланма маблағлари манбалари билан тўла қопланса, молиявий барқарор корхона ҳисобланиб, у қисқа муддатли қарзларни тўлаш имкониятига эга булади: Яъни тўлов қобилиятига эга корхона ҳисобланади. Бошқача айтганда бу корхона молиявий барқарор эканлигини ёки молиявий жиҳатдан мустаҳкам эканлигидир.

Бундай корхоналарни тўлов қобилиятига эга эканлигини қўйидагича ифодалаш мумкин.

$$З \leq \check{Y} + K - Y$$

Бунда: З- товар – моддий захиралар (моддий айланма маблағлар);

$\check{Y}$ - ўз маблағларининг манбалари;

К- узок муддатли қарзлар ва кредитлар;

У- узок муддатли активлар.

Агар ўз айланма маблағларни ташкил этувчи манбаларини ташкил этувчи манбалар сўммаси товар – моддий захиралар сўммасига тенг бўлса ( $З = \check{Y} + K - Y$ ) пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва дебиторлик қарзларнинг биргаликдаги жами сўммаси ( П-Д ) қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар билан кредитотлик қарзларнинг жами сўммасига (Б+К) тенг бўлади, яъни  $П + Д = Б + К$ .

Агар ўз айланма маблағларини ташкил этувчи манбалар сўммаси товар – моддий захиралар сўммасига тенг бўлса ( $З = \check{Y} + K - Y$ ), пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва дебиторлик қарзларининг

биргаликдаги жами сўммаси ( П+Д) қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар билан кредиторлик қарзларининг жами сўммасига (Б+К) тенг бўлади:

$$П+Д=Б+К$$

П+Д ҳажми Б+К ҳажмидан катта ёки унга тенг бўлса, корхона қисқа муддатли мажбуриятларни тўлаш қурбига эга бўлади. Шу асосида моддий – айланма маблағларни ташкил қилиш манбалари ҳажми билан тавор – моддий захиралар орасидаги ўзаро боғлиқлик нисбати коэффиценти молиявий барқарорлик даражаси ҳолатини белгилайди.

Моддий айланма маблағларни ташкил этувчи манбалар икки турга бўлинади:

1. Ўз айланма маблағларнинг манбалари;
2. Моддий айланма маблағларни ташкил қилувчи асосий манбалар.

Корхонанинг ўз айланма маблағларини аниқлаш учун ўз маблағларинг маблағларига (У) ўзоқ муддатли қарзлар кредитларни қўшиб, уларнинг жами сўммасидан узоқ муддатли активлар сўммаси (У) чегирилади:

$$З_y = \check{Y} + К - У$$

Бунда :  $Z_y$  - айланма маблағлари манбалари (У+К-У) сўммасини билдиради.

Юқорда келтирилган формулалардаги кўрсаткичлар хўжликни бухгалтерия баланси маълумотлари асосида ўрганилади.

Жумаладан, Пастдарғом тумани «Хамид Чорвачмилик воҳаси» фермер хўжалигининг 2012 йил 1 январ ҳолатига бўлган бухгалтерия балансига кўра юқоридаги кўрсаткичлар ҳолати кўйдагича (минг сўм).

У- ўзоқ муддатли активлар – 236871

З- товар – моддий захиралар (моддий айланма маблағлар) - 182392

П- пул маблағлари ва қимматли қозғалдиҳлар- 14336

Д- дебиторлик қарзлари – 22987

Ў – ўз маблағларининг манбалар -419380

К – ўзоқ муддатли қарзлар ва кредитлар = -

Б- қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар – 20952

К – кредиторлик қарзлар – 21965

Ушбу маълумотлар асосида хўжаликни барқарорлига қўйдагича аниқланади:

$У+З+П+Д=Ў+К+Б+К$ , яъни:

$236871+182392+14336+22987=419380+20952+21965$

$\Sigma 456586=462297.$

Демак, хўжаликни 2012 йил 1 январ ҳолатига бўлган бухгалтерия баланси ҳолатига кўра хўжаликни моддий айланма маблағларни хўжаликни ташкил қилувчи манбаларини (462297) унинг мавжуд товар моддий захиралари ҳажмини (456586) қоплаш даражасида.

Демак, фермер хўжалиги ўз молиявий ҳолати бўйича маълум барқарорликга эга.

#### **4.2 Молиявий барқарорликнинг таҳлили.**

Хўжаликни молиявий барқарорлигини таҳлили асосий манбаларининг жами сўммасини мавжуд айланма маблағлар (з) солиштириб, улардаги ўзгаришни аниқлашдан бошланади.

Таҳлил давомида давр боши ва давр охири бўйича кўрсаткичларни қиёсланади.

Бошқача айтганда, айланма маблағларнинг ҳам давр бошига ҳам давр охирига бўлган манбалар таъминлаш даражаси ҳамда улардаги ўзгаришлар алоҳида таҳлил этилади.

Ушбу ҳолат бўйича Пастдарғом тумани «Хамид Чорвачилик воҳаси» фермер хўжалигининг 2011 йилни боши ва охири бўлган маълумотлар 8 жадвалда берилган.

Жадвал маълумотларига кўра хўжаликни молиявий барқарорликка тегишли кўрсаткичлари 2011 йилни охири санасига ушбу йилнинг бошига нисбатан деярли барча кўрсаткичлар (ўз айланма маблағлари

манбаининг товар – моддий захирларига нисбатан фарқидан ташқари) бўйича кўпайиши таъминланган.

### 8-жадвал

#### «Хамид чорвачилик воҳаси» фермер хўжалиги бўйича молиявий барқарорлик даражасининг таҳлил, 2011 йил минг сўмда.\*

Т/р	Кўрсаткичлар	Базис (2010 йил)	Ҳисобот (2011) йил	Ўзгариш +/-
1.	Ўз маблағларининг манбалри (У)	96454	419380	322926
2.	Узок муддатли қарзлар ва банк кредитлари(К)	-	-	-
3.	Узок муддатли активлар (У)	73674	236871	163197
4.	Ўз айланма маблағлар ( $З_y = У + К - У$ )	22780	182509	159729
5.	Қисқа муддатли банк кредитлари ва қарзлар (Б)	16697	20952	4255
6.	Товар – моддий захираларни ташкил қилувчи асосий манбаларнинг жами ( $З_y + Б$ )	39477	203461	163984
7.	Баланс бўйича мавжуд бўлган товар – моддий захиралар, жами сўмма (З)	28415	182392	153977
8.	Ўз айланма маблағлари манбаларинг товар моддий захираларга нисбатан фарқи (+/-) - $З_y$ , З	-5635	117	-5518
9.	Асосий манбалар сўммасининг захиралари ҳажмига нисбатан фарқи (+/-) - $З_y + Б - З$	11062	21069	10009

\*Манба:Хўжаликни йиллик ҳисоботи (1 фермер)

Кўрсаткичларнинг ижобийлиги шундакий, асосий манбалар сўммаси товар – моддий захиралар ҳажмига нисбатан йил бошига 11062 минг сўмга, йил охирига нисбатан 21069 минг сўмга ошиқ.

Хўжаликларни захира ва ҳаражатларни ташкил бўлиш манбалари билан таъминланиш кўрсаткичлари молиявий барқарорликни ифодалайди. Улар қўйдаги турларга бўлинади:

1. Молиявий аҳволнинг мутлоқ барқарорлик кўрсаткичлари;
2. Молиявий аҳволнинг мўътадил барқарорлик кўрсаткичлари.
3. Нобарқарор молиявий аҳвол кўрсаткичи.
4. Танг (инқроз) ҳолатидаги молиявий аҳвол кўрсаткичи.

Ушуб кўрсаткичларни ҳар бир мутлоқ ва нисбий кўрсаткичлар орқали ифодаланади.

Корхонанинг мутлоқ барқарорлиги маблағларни ташкил қилувчи манбалар ҳажми ҳар доим моддий айланма маблағлар ҳажмидан юқори бўлади.

Корхона молиявий аҳволининг мўътадил барқарорлигида тўлов мажбуриятларини ўз вақтида тўлай олиш имконияти борлигини билдиради. Бошқача айтганда моддий айланмаларнинг ҳажми ва захира ва сарфлар ҳажмига тенг бўлади.

Хўжаликни нобарқарор аҳволи кўрсаткичи бевоста тўлов қурбининг пасайиши натижасида ўзгариб туради, нобарқарор ҳолатига келади. Тўлов қурбининг пасайтириш молиявий тенгликни келтириб чиқаради. Ушбу тангликни пайдо бўлиши манбалар ҳисобига захира ва сарфларнинг қопланишда ўзилишлар юзага келади. Шунинг учун ҳам корхона молиявий тангликни юмшатовчи манбалардан фойдаланиб захира ва сарфларни тўлиқ ва мўътадил қоплаш йўллари излаб топиш лозим. Бунда корхона ўз маблағлари таркибини ўз айланма маблағларини кўпайтириш ҳисобига молиявий тангликни бартараф этишга эришиш лозим.

Молиявий тангликни юмшатувчи, унги тиклаш манбалрига кўйдагиларни киритиш лозим:

1. Махсус резерив фондларининг бўш маблағлари;
2. Мўтадил кредитторлик қарзларнинг дебиторлик қарзларидан олувчи қисми;
3. Иш ҳақи бўйича мавжуд қарзлар;
4. Муддатида тўланмаган банк кредитлари;
5. Мол етказиб берувчиларга муддатда тўланмаган қарзлар;
6. Республика ва маҳалий бюджетларга муддатда ўтказилмаган тўловлар.

Корхонанинг танг (инқроз) ҳолати кўрсаткичи хўжаликни банкротлик ҳолатида эканлигаидан далолат беради.

Бу ҳолатда корхонанинг пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий қўйлмаларни дебиторлик қарзларни хатто кредитдорлик қарзалар ва тўлов муддиди ўтган банк кредитларини тўлашига етмайди.

Демак, бунда захира ва сарфлар ҳажми ошиб, манбалр камайиб кетиши натижасида ташкил этувчи манбалар ҳажми маблағларини қоплай олмайди, кескин етишмовчилик юзага келади, молиявий қарамлик зўраяди.

Молиявий аҳвол барқарорлигига баҳо беришда молиявий тангликнинг сабаблири ўрганилади. Бунинг учун биринчи навбатда кўйдаги моддий айланма маблағларнинг таркиби моддама – модда таҳлил этилади.

- Ишлаб чиқариш захиралари;
- Тугаланмаган ишлаб чиқариш;
- Тайёр маҳсулот;
- Товарлар;
- Келгуси давр ҳаражатлар ва бошқалар.

## **V-боб.Қишлоқ хўжалигида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш.**

Қишлоқ хўжалигида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўз таркибига инсон фаолиятининг атроф-муҳит билан алоқаси, меҳнат фаолиятидаги хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлардаги хавфсизлиги бўлимларини қамраб олади. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тамойил ва усуллар асосида: бахтсиз ходисалар, қурбонлар ва улар натижасида келиб чиқадиган зарарларни камайтириш масалаларини кенг миқёсда қўядиган ва ҳал қиладиган воситадир. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги - бу ҳар қандай кўринишдаги фаолиятга қўлланиши мумкин бўлган хавфсизликнинг назарий асосидир.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича қўйилган асосий мақсад - бу инсоннинг жамият тараққиётидаги ролидир. Ҳаёт фаолият хавфсизлиги - бу ҳар қандай шароитдаги инсон фаолиятидир. Инсоннинг ҳамма фаол ҳаракати, яъни меҳнат жараёнида, дам олишда, уйда ҳамда спортдаги фаолиятини ташкил қилади.

Ҳозирги вақтда инсон табиий, техник, иқтисодий ва бошқа ҳар хил хавф-хатарлар дунёсида ишлайди. Инсон ҳаёти ва меҳнати муҳофазаси уни ишлаб чиқаришдаги аҳволи, у билан боғлиқ масалаларни ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Қишлоқ хўжалигида меҳнат муҳофазасининг асосий вазифаларидан бири ишловчиларнинг меҳнат хавфсизлигини таъминлашдир. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш шароитида замонавий техника ва технологияларни, микробиологик ва кимёвий моддалар етказиб беришни, чорва молларини катта мажмуаларга ва фермер хўжаликларига бирлаштиришни, иш жараёнларининг йириклашувини, деҳқончиликдаги ишларни оилавий пудрати асосида бажаришни, айрим меҳнат турларини ҳамда воситаларини ўзгартириб боришни ўз ичига олади.

Меҳнат хавфсизлиги – меҳнат шароитининг шундай ҳолатики, унда ишловчиларга хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг таъсири истисно қилинган. Ишлаб чиқариш шароитида инсонга жароҳат етказилиши

бу физикавий ва кимёвий хавфли ишлаб чиқариш омиллари борлигини билдиради.

Технологик жараёнларга қўйиладиган хавфсизлик талаблари технологик ҳужжатларда кўрсатилган бўлиши шарт. Иш жойидан ташқарида бажараётганда хоналарни ва майдонларни танлашга катта эътибор қаратмоқ керак. Шунингдек, ўзлуксиз ишлаб чиқариш жараёнларининг хавфсизлигини, ускуналарни тўғри жойлаштириш ва иш жойларини оқилона ташкил қилиш билангина таъминлаш мумкин. Материалларни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини омборхоналарда сақлаганда, хавфли ишлаб чиқариш омилларининг содир бўлишидан ҳимояланиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасига мувофиқ «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир» деб таъкидланган. Шунинг учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ишлашга рўхсат этилган шахсларнинг физик имкониятларини ва меҳнат хусусиятларини ҳисобга олиш шарт. Хизмат қилувчи ходимлар бажараётган ишларига мувофиқ меҳнат хавфсизлиги бўйича касбий тайёргарликдан ўтган бўлиши лозим. Барча қишлоқ хўжалик машина ва механизмларига хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси бўйича ягона талаблар қўйилиши, ана шу талабларга мувофиқ қишлоқ хўжалик машина ва механизмларини бошқаришнинг асосий ричаглари ўнг қўл остига жойлашган бўлиши, ҳар қайси машинада товуш сигнали, орқани кўриш ойнаси, бурилиш ва тўхташ сигналлари бўлиши керак. Иш жараёнида машина ва механизмлардаги маҳкамланган жойлар бўшашади, тирқишлар катталашади, мой, сув ёки ёнилғи сиза бошлайди ва ҳоказолар. Шу боисдан пала-партиш кўрсатилган техник хизмат бахтсиз ходисаларга сабаб бўлиши мумкин. Мисол учун, трактор юриш қисмининг маҳкамланган жойларини ўз вақтида текшириб ва таранглаб турилмаса, у ағдарилиб кетиши мумкин. Агар машина ишлаётган вақтда инсон ҳаёти ёки саломатлигига хавф соладиган нуқсон пайқалса, ишни дарҳол тўхтатиш

керак. Ҳар бир тракторчи, комбайнчи, техникани ишлатишдан олдин унинг техник ҳолатини текшириб кўриши керак. Трактор ва комбайнда ҳайдовчи асбобларининг тўла жамланмаси, биринчи ёрдам кўрсатиш учун аптечка, ичимлик сув солинган идиш, техникани ишлаб чиқарган завод томонидан берилган қўлланма бўлиши шарт.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида дала ишларининг қизғин палласида иш кунини 12 соатга ўзайтириш ва дала ишлари камайганда ёки қиш вақтида иш кунининг давом этишини 5 соатга қисқартиришга рўхсат берилади, бунда фақат йил мобайнида иш вақтини жамлаб ҳисоблашга риоя қилинади. Ҳамма ишчи, хизматчи ва ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи, ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътилини бериши лозим. Бунинг учун корхона билан олдиндан меҳнат шартномаларини келишган ҳолда тўзиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 72-113 моддаларида меҳнат муносабатларини тартибга солиш учун меҳнат шартномалари тўзиш ва қишлоқ хўжалик корхоналари олдига қуйидаги вазифаларни бажариш юклатилган:

- Хавфсиз ва соғлом иш шароитларини таъминлаш;
- Ишчи ва хизматчиларни бепул ҳимоя воситалари билан таъминлаш;
- Тиббий кўрикларни ўз вақтида ўтказиб туриш;
- Йўриқномалар билан ўз вақтида таништириб бориш;
- Меҳнатга яраша рағбатлантириш;
- Вояга етмаган ёшларни оғир ишларга жалб этмаслик ва ҳоказолар.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат шароитларининг яхшиланиши ижтимоий натижаларга, яъни меҳнаткашларнинг соғлиғини яхшилаш, ўз ишидан мамнунлик даражасини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга олиб келади.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат муҳофазасига доир ишлар ташкилий-техник тадбирларнинг комплекс режаси асосида амалга оширилади. Бу тадбирларни хўжалик маъмурияти маҳаллий касаба уюшмаси қўмитаси

билан биргаликда ишлаб чиқади. Комплекс режа йиллик ёки кўп режалардан ташкил топади.

Бунда фан ва техниканинг меҳнат муҳофозаси соҳасида эришган ютуқлари ҳамда хўжаликнинг ривожланиш истикболлари бўйича муҳандис зиммасига, уни амалга оширишга жавобгарлик эса хўжалик тармоқлари, бўлинмалари ва улар бошлиқлари зиммасига юклатилади. Махсус маблағни ва моддий таъминотни талаб қилувчи тадбирлар жамоа шартномасига илова қилинадиган режага киритилади. Жамоа шартномасини ҳар йили хўжалик раҳбари ишчи хизматчилар – номидан касаба уюшмаси кўмитаси билан тузилади. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунининг 11 – моддасидаги талаблар асосида амалга оширилади ва унга кўра меҳнатни муҳофаза қилишни молиявий таъминлаш давлат томонидан, шунингдек мулк шаклидаги қатъий назар жамоа бирлашмалари, корхоналарнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобига амалга оширилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш учун тегишли бюджетлардан алоҳида ажратиладиган бюджет маблағлари бошқарув ҳамда назорат идораларини сақлаш, илмий – тадқиқот ишларини молиявий таъминлаш меҳнатни муҳофаза қилишга оид давлатнинг аниқ мақсадга қаратилган дастурларини бажариш учун фойдаланилади.

Ҳар бир меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур маблағларни жамоа шартномасида белгиланадиган миқдорда ажратилади. Корхонанинг ходимлари ана шу мақсадлар учун қандайдир қўшимча қилмайдилар.

Корхоналар ўзининг хўжалик, тижорат, ташқи иқтисодий ва бошқа фаолиятдан келадиган фойда (даромад), шунингдек бошқа манбалар ҳисобига меҳнатни муҳофаза қилишнинг марказлаштирилган фондларини ташкил этиш ҳуқуқига эга.

Меҳнатни муҳофаза қилишга мўлжалланган маблағларни бошқа мақсадларга ишлатилиши мумкин эмас. Фондларни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

томонидан Ўзбекистон Касаба Уюшмалари Федерацияси Кенгаши иштирокида белгиланади.

Қонунда кўрсатилган талаблар асосида меҳнат муҳофазасига доир тадбирлар кўйидаги маблағлар ҳисобига таъминланади:

- Давлат ва марказлаштирилмаган капитал маблағлар, шу жумладан ишлаб чиқаришни ривожлантириш жамғармаси;
- Ижтимолий – маданий ва уй жой қурилиши жамғармаси ҳамда хўжалик жамғармаси;
- Агар тадбиркор асосий воситаларни капитал тузатиш билан бир вақтда амалага ошириладиган бўлса – амортизация жамғармаси;
- Агар ҳаражатлар капитал ҳаражатлар бўлса – асосий фаолият, тармоқ ва умум ҳаражат маблағлари;
- Янги техникани жорий этиш ёки ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун банк томонидан бериладиган қарзлар.

Ўша зарарни ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар касалланишининг олдини олиш учун озиқ – овқат маҳсулотларини бепул бериш кўзда тутилиб, иссиқ нонушта ёки тушлик тарзида берилади. Бевосита зарарли шароитда ишлайдиган ишчи – хизматчиларга бепул сут ёки унинг ўрнини босувчи бошқа маҳсулот берилади.

Қишлоқ хўжалигида машиналардан фойдаланишда хавфсизлигини таъминлаш энг аввало ишни ташкил этиш масаласи ва механизаторларни малакасига боғлиқ. Барча тупроққа ишлов берувчи ишчи органларни ростлашдан бошлаш лозим, сўнг ишчи органларнинг ўз – ўзидан пастга тушиши ёки тушиб кетишининг олдини оладиган чора – тадбирларини кўриш керак.

Тупроққа ишлов берадиган машиналарнинг иш органларини машина ишлаётган вақтда тозалашга мутлоқ рўхсат берилмайди. Плуг тишларини алмаштиришдан олдинги ва орқа корпусларнинг дала тахтлари тагига мустаҳкам тагликлар қўйилиши зарур.

## **Химиявий ҳимоя қилишда ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги**

Республикамизда чуқур иқтисодий ўзгариш бўлаётган бир даврда, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури кучга кириши, юқоридаги фикрни амалга оширишнинг дастлабки босқичи бўлиб хизмат қилади. Кўп босқичли таълим тизимига биноан олийгоҳларда тайёрланадиган бакалаврлар учун ўқув режасига “Ҳаёт фаолият ҳавфсизлиги” фанининг киритилиши булғуси мутахассисларнинг билимини чуқурлаштиришга ёрдам бериши сўзсиздир.

Ҳаёт фаолият ҳавфсизлиги фанининг диққат марказига қўйилган мақсад бу инсоннинг жамият тараққиётидаги ролидир. Ҳаёт фаолият ҳавфсизлиги – бу ҳар қандай шароитдаги инсон фаолиятидир. Инсоннинг ҳамма фаол ҳаракати (меҳнат жараёнида, дам олишда, уйда ҳамда спортда) унинг фаолиятини ташкил қилади.

1. Ҳаёт фаолият ҳавфсизлиги фани ўз таркибига инсон фаолиятининг атроф – муҳит билан алоқаси, меҳнат фаолиятидаги ҳавфсизлиги ва фақулотда вазиятлардаги ҳавфсизлиги бўлимларини қамраб олгандир. Ҳаёт фаолият ҳавфсизлиги принцип ва усуллар асосида: бахтсиз ходисалар, қурбонлар ва улар натижасида келиб чиқадиган зарарларни камайтириш масалаларини кенг миқёсда қўядиган ва ҳал қиладиган фандир. Ҳаёт фаолият ҳавфсизлиги – бу ҳар қандай кўринишдаги фаолиятга қўлланиши мумкин бўлган ҳавфсизликнинг назарий асосидир.

Минерал ўғитлар, ўсимликларни ўсишини таъминловчи, пестицидлар зарарсизлантирувчилар воситалар сифатида ўсимликшунослик амалиётига кенг кириб келган. Улар юқори ва сифатли ҳосил олишни таъминлайди. Бироқ бу моддалар муайян миқдорда инсонга ва атроф муҳитга ҳавфлидир.

Кимёвий моддаларнинг инсонга таъсири улар билан бевосита (аралашмалар таёрланганда, уруғларга, тупроққа ўсимликларга ишлов бериш) ва билвосита – ўсимлик озиқ – овқат маҳсулотлари орқали, кимёвий препаратлар билан ишлов берилган далалардан олинган мева – сабзавотлар, шунингдек ҳайвонат маҳсулотлари орқали (гўшт,

творог, сут, тухум ва бошқа) ва ўсимликлари ем сифатида ишлатилганда қайсилари таркибида нитрат ва пестицидларнинг миқдори меърий кўрсаткич даражасидан юқори бўлганда сезилади. Пестицидлар инсон учун минерал ўғитларга нисбатан хавфлидир.

Ишлатилишига кўра пестицидлар инсектицидлар (қурт – қумурсқага қарши курашиш учун), фунгицидлар (замбуруғлар), бактерицидлар (бактериялар), акарицидлар (канага), родентицидлар (зарарли кемурувчиларга), гербицидлар (бегона ўтлар) ва бошқаларга бўлинади.

Гигиеник хусусиятга кўра пестицидларнинг таснифи қўйидагича:

- Тажрибадаги ҳайвонларнинг ошқозонига (жуда таъсирчан, ўта заҳарли, кам заҳарли) юбориш вақтидаги заҳарланишига қараб;
- Тери орқали заҳарланишга қараб (кескин, ўрта ва кучсиз ифодаланган);
- Учувчанлигига кўра (ўта хавфли, хавфли ва кам хавфли);
- Заҳарли моддаларнинг организмга тўпланиб кучли таъсир қилишига кўра (ўта юқори, сезиларли, ўрта миёна, кам сезиларли);
- Тупроқдаги барқарорлигига кўра (жуда барқарор вақт бўйича заҳарланиши 2 йилдан кўп, барқарор 0,5 йилдан 2 йилгача, ўрта миёна барқарор – 1 ойдан 6 ойгача ва кам барқарор – 1 ойгача).

Пестицидлар ва минерал ўғитлар билан заҳарланиш олдини олишдаги асосий усуллар: улар билан ишлаганда меъёр, меҳнат муҳофаси бўйича қоида ва қўлланмаларга риоя қилиш. Ишчилар шахсий ва коллектив ҳимояланиш воситаларни ишлатиш, агротехникага, экинларга қайта ишлов бериш ва кимёвий препаратларни сарф қилиш миқдорига қабътий риоя қилиш, кимёвий ишловларни яшаш жойларидан, молхоналардан, сув ҳавзаларидан керакли узоқликда олиб бориш рўхсат этилган шамол тезлигида, ҳосилни териб олишгача экинларга берилган охириги кимёвий ишлов муддатини сақлаш; ўрганилаётган ва фақат рўхсат этилган препаратлардан фойдаланиш.

Пестицидлар ва минерал ўғитлар билан ишлашдан тиббий кўрсаткичларга тўғри келмаган, дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтган шахсларга рўхсат этилди. Пестицидлар билан ишлашга ҳомиладор ва эмизикли аёллар, 18 ёшга тўлмаган ва 55 ёшдан катта (эркаклар) ва 50 ёшдан ошган (аёллар), шунингдек механизатор аёллар пестицидлар ва минерал ўғитларни пуркаш, чанглатиш, ортиш ва тушуриш ишларига жалб қилиш мумкин эмас.

Пестицидларни ўта хавфлилигини инобатга олган ҳолда улар билан ишлаганда бегона шахсларнинг бўлиши ман этилдаи. Пестицидлар дала ва бошқа жойларда қаровсиз қолдириб бўлмайди.

Хўжалик раҳбарлари далаларга кимёвий ишлов беришдан камида 2 кун олдин, қишлоқ аҳолисини ва асаларичиларни ишининг муддати, жойи ва тури ҳақида огоҳлантиришлари шарт. Ишлов берилаётган участка чегарасидан камида 300 м нарида хавфсизлик белгилари ва огоҳлантирувчи ёзувлар ўрнатилади.

2. Пестицид ва минерал ўғитлар ГОСТ 12.3.041-86 ва ГОСТ 12.3037-84 талабларига асосан алоҳида биноларда сақланади. Улар билан емларни, кимёвий аралашмаларни, ем қўшилмалари, бўёқлар, лаклар, озик – овқат маҳсулотлари ва қўшимча ҳожатхона, душхона, шахсий химояланиш воситалари, сув, совун, сочиқ, аптечкалар ва бошқаларни сақлаш учун хоналар ажратилиши лозим.

Қопланган ва қопланмаган минерал ўғитлар алоҳида бўлимларда сақланади. Қопланмаганлар ғарам қилиб баландлиги 2 метргача тўпланиб қўйилади, қопланганлари эса тагидан намлик ўтмаслиги учун таглик қўйиб, қопларни бир – бирининг устига ғарам қилиб тахланади. Ғарамлар оралиғи 3 метрдан кам бўлмаслиги керак, ғарамлардан омбор деворигача бўлган оралиқ 1 метрдан ошмаслиги шарт. Ғарамнинг тепаси билан омборнинг шипи орасидаги оралиқ 0,4 метрдан кам бўлмаслиги лозим.

Пестицидлар кимёвий корхоналардан келтирилади, уларни фақат идишда (бочкаларда, барабанларда, канистирларда, шиша идишларда,

копларда, яшиқларда, кутиларда) ясса ёки тириб қўйиладиган поддонларда, стеллажларда бир – бирининг устига қўйиб сақланади. Ҳар хил пестицидлар (гербицид, фунгицид ва бошқа) бошқа – бошқа ғарамларда сақланади, улар орасидаги оралик 1 метр кам бўлмаслиги керак. Хамма турдаги идишларнинг устида препаратнинг номи, модданинг таъсир фоиизи, пестициднинг гуруҳи, хавфсизлик белгиси, оғирлиги, шунингдек “ Ёнғиндан хавfli ” ёки “ Портлаш хавфи бўлган ” огоҳлантирувчи белгилар ёзилади. Бунда гербицидлар – қизил, дефолиантлар – оқ, немотацидлар – қора, фунгицидлар – яшил, дорилувчи моддалар – зангори, зооцидлар – сарик рангда белгиланиши шарт.

Пестицид ва минерал ўғитларнинг таъсирини йўқотиш учун омборхонада етарли миқдорда заҳарли газлардан тозаловчи моддалар хлорли оҳак, кальцийнацияланган сола ва бошқалар бўлиши шарт. Пестицидлар жавобгар шахс иштирокида, махсус ёки мақсад учун мослаштирилган транспортда, фақат соз ва яхши ёпиладиган тараларда ташилади.

Ғузанинг кенг тарқалган касалликларидан яна бири – уруғлик чигитининг чириб кетиши, униб чиқаётган ниҳол илдизларининг зарарланишидир. Бунда тупроқ таркибида мавжуд бўлган потоген замбуруғлар чиритувчи омил бўлади. Шу туфайли уруғларнинг чидамлигини ошириш ва турли касалликларни йўқотиш мақсадида уруғлик чигит ва бошқа техник ўсимлик уруғлари дориланади.

Уруғларни дорилашда ишлатиладиган барча кимёвий препаратлар кучли таъсир этадиган ва заҳарли бўлади. Шу туфайли уруғликларни дорилайдиган шахслар иш пайтида ниҳоятда эҳтиёт бўлишлари ва муҳофаза чораларига қатъий риоя қилишлари керак, акс ҳолда препаратларнинг ўткир ва суринкали таъсири натижасида киши оғир касалликларга йўлиқиши мумкин.

Уруғликлар шамол эсадиган томонда, турар жойлар, молхона, озиқ – овқат, ем – хашак сақланадиган омборлар, сув манбалридан 200 метр нарида жойлашган махсус биноларда дориланади. Уруғлик дориланадиган

агрегатлар созланган, маҳкам беркиладиган бўлиши керак, чанг – тўзон кўтариладиган жойларда ташқарига хавони тозалаб чиқарадиган мослама ўрнатилади.

Чигитни куруқ дорилаш қаъий ман этилдаи. Уруғни дорилаш даврида, бегона одамларнинг юриши ёки қатнашишга мутлоқ рўхсат берилмайди. Уруғликларни дорилаш вақтида ишчилар кўзда тутилган барча хавфсизлик тадбирларига амал қилишлари шарт, жумладан, кобинзон кийиб олишлари, тиббиёт кўригидан ўтган, ўн саккиз ёшга тўлган ва олтмиш ёшдан ошмаган кишилар ишлаши мумкин.

Заҳарли ва заҳарли моддалардан муҳофаза қилишни режалаштириш ва ташкил қилиш ва радиациявий хавfli иншоотлардаги ҳалокатлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар олдини олишдан иборат.

Кимёвий хавфга кўра маъмурий ҳудудий бирликлар (МХБ) 3 та хавfliлик даражасига бўлинади.

I даража – кимёвий заҳарланиш эҳтимоли бор ораликда маъмурий – ҳудудий бирликнинг 50 % фуқороси яшаб турган бўлса;

II даража – кимёвий заҳарланиш эҳтимоли бор ораликда маъмурий ҳудудий бирликнинг 30 % дан 50 % гача аҳолиси яшаб турган бўлса;

III даража – кимёвий заҳарланиш эҳтимоли бор ораликда маъмурий ҳудудий бирликнинг 10 % дан 50 % гача аҳолиси яшаб турган бўлса.

Кимёвий ва радиациявий муҳофазанинг асосий вазифалари кўйдагилардан иборат:

1. Фавқулодда вазиятнинг келишини олдиндан тахмин қилиш ва шароитга баҳо бериш. Бунинг учун шу кимёвий ва радиациявий хавfli иншоот жойлашган ҳудуд тўғрисида аниқ маълумотга, корхона ҳақида моддаларнинг миқдори, тури, сақлаш шароити, сақлаш жойини аҳоли яшайдиган жойдан қандай ораликда жойлашганлиги тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлишлари керак. КТЗМ ва радиоактив моддаларни махсус сақлаш жойларига

- чиқариб ташлаш, моддаларининг таъсирини олдини олишга, таъсирини камайтиришга қаратилаган тадбирларни ишлаб чиқиш.
2. Фуқароларни керакли миқдорда шахсий муҳофаза воситалари (ШМВ) билан таъминланишни ташкил этиш.
  3. Кимёвий вазиятларнинг олдини олиш ва унга барҳам бериш учун керакли куч ва воситаларнинг доимо шай туришини таъминлаш.
  4. Кимёвий ва радиациявий назорат ва текшириш ишларини ўз вақтида амалга ошириш.
  5. Кимёвий ва радиациявий хавф вужудга келган фавқулодда вазиятларда фуқароларнинг қандай вазифа бажаришлари лозимлига тайёрлаб бориш.

Кимёвий ва радиациявий вазиятни олдиндан тахминлаш ва баҳолаш.

А) Вазиятни олдиндан тахминлашга кўйдагилар киради:

- Фавқулодда вазиятнинг аниқ турини билиш;
- Вазият тафсилоти ва кўламини аниқлашнинг ишловчи усулларини, ускуна – жиҳозларни топиш ;
- Фуқаро муҳофазаси кучларини ва аҳолини ўз вақтида огоҳлантириш;
- Талофатлар ва моддий зарарларнинг олдини олиш ёки уларнинг таъсир кучини мумкин бўлган даражада камайтириш юзасидан керакли чораларни кўриш;
- Фуқаро муҳофазаси кучлари ва воситаларини фавқулодда вазиятларни ёки улар оқибатларини йўқотишга тайёрлаб қўйиш.

Б) вазиятни олдиндан баҳолаш.

## Хулоса ва таклафлар

Ҳозирга вақта қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фермер хўжаликларинг тутган ўрнидан келиб чиқиб Республикамиз Президенти И. А. Каримов - «Хусусий фермер хўжаликлари. Ўз мохиятига кўра ва самарали ривожланишини таъминлайдиган етакчи кучга айгандир» - деган эди.

Шундан хўжаликлардан бири бўлиб Пастдарғом тумани «Ҳамид чорвачилик воҳаси» фермер хўжалиги ҳисобланади.

Фермер хўжалиги Пастдарғом туманинг ҳокимлигининг 2006 йил 25 ноябирдаги 137 - К қарори билан рўйхатга олинган бўлиб хўжалик асосон чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган.

Хўжалик 2011 йилда 63,1 гектар ер майдонига 278 бош қорамол, шундан 100 бош сигирга эга.

Фермер хўжалиги 2011 йилда 2036 центнер ўтлар ҳосили 7200 ц маккажўхори кўк массаси 107 центнер қорамоллар ортган вазни 1580 центнер сут ишлаб чиқарган.

Фермер хўжалиги 2009 йилни 8112 минг сўмлик, 2010 йилни 3273 минг сўмлик ва 2011 йилни 12783 минг сўмлик фойда билан яқунлаган. Келтирилган фойда миқдорига кўра кейинги уч йилда хўжалик фойда олишда барқарор ҳолатга эга эмас.

Шу каби хўжаликда ер ресурсларидан фойдаланишда ем – ҳашак экинлари ҳосилдорлигини пасайиб бориши, асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини пасайиб бориши.

Ходимларни ойлик меҳнат ҳақи даражасини нисбатан пастлиги (2011 йилда 79355 сўм) билан ҳаркатерланади.

Фермер хўжалигида етиштирилган 1 центнер сутнинг таннархи 2010 йилда 30752 сўм 28 тийин, 2011 йилда 38894 сўм 45 тийин ташкил этган.

Умуман Пастдарғом тумани «Ҳамид чорвачилик воҳаси» фермер хўжалиги ўз фаолияти давомида ем – ҳашак етиштириш ва чорвачилик маҳсулотлари

ишлаб чиқаришга ихтисосланган бўлиб хўжаликни 2009 -2011 йиллар маълумотларни ўрганиш қўйдаги хулоса ва таклафларга асос бўлади.

## **I. Хулосалар**

1.«Хамид чорвачилик воҳаси» фермер хўжалиги Пастдарғом туманининг Дурмантепа қишлоқ фуқоралар йиғинига қарашли Жағалбойли қишлоғида жойлашган хўжаликни солиқ тўловчи сифатидаги идентификация коди 300170003.

Хўжалик 2006 йилни ноябр ойида фаолият кўрсатиб келмоқда ва у асосан ем – хашак ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган. Шунини таъкидлаш лозимки кейинги йилларда хўжалик ушбу маҳсулотларнинг етиштиришда маълум сутткашликга эга.

2. Фермер хўжалиги ўз фаолиятини амалга оширишда маълум миқдордаги асосий восита ва меҳнат ресурсларига эга. (2011 йилда 157703 минг сўмлик ўртача йиллик асосий воситаларга ва 23 ўртача йиллик ходимга эга).

Хўжалик 2012 йил 1 январь ҳолатига 22987 минг сўмга дебиторлик ва 42917 минг сўмга кредитторлик қарзига эга.

Хўжалик 2011 йилна 1 январь ҳолатига банкдаги талаб қилиб олунгуча депозит ҳисоб варағида 14336 минг сўмлик пул маблағига эга.

3.Хўжаликни ялпи маҳсулоти 2009 йилда 37700 минг сўмни, 2010 йилда 81205 минг сўмни ва 2011 йилни 111222 минг сўмни ташкил этган. Бу борда хўжалик 2011 йилда олдинги икки йилга нисбатан маълум ўсишга эга.

Хўжаликда фойда миқдори кейинги йилларда маҳсулот етиштириш харажатларини ошириб бориш ҳисобига маълум барқарорликга эга эмас.

Жумаладан, хўжаликда фойда миқдори 2009 йилда 8112 минг сўмни, 2010 йилга 3273 минг сўмни ва 2011 йилда 12783 минг сўмни ташкил этган.

4.Маълумки, ҳар қандай корхона, шу жумладан қишлоқ хўжалик корхоналари олдида турган асосий вазифаларидан бири бўлиб фойда

билан фаолият кўрсатиш ҳисобланади. Фойда билан фаолият корхоналарнинг мамалакат иқтисодиётини ривожлантиришда аҳмияти катта, зарар билан ишлаётган корхоналар эса унга салбий таъсир этиб уни зайфлашига сабаб бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хўжаликни фойдаси қанчалик кўп бўлса у иқтисодий жиҳатдан шунча мустаҳкам бўлади, фойда миқдори ошган сайин корхонанинг молиявий барқарорлиги мустаҳкамланиб тўловга қодирлиги ошиб боради, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш даражаси яхшиланиб боради, оқибатда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ривожлантириш, моддий неъматларни яратувчиларнинг моддий манфаатдорлик даражасини ошиши каби ижтимоий иқтисодий масалларни ҳал этиш учун шароит яратилади.

5.Шунинг билан бирга фермер хўжалиги 2009, 2010, 2011 йилларда йил натижасига кўра фойда турларини аниқлашда «Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисобот (2 шакл)да умумхўжалик фаолиятидан фойда ва солиқ тўлагунча фойда кўрсаткичларини аниқланмаганлиги (кўрсатилмаганлиги) молиявий ҳисобот шаклларни тўлдириш қоидаларига амал қилмаганлигини кўрсатади.

Бу биринчидан, хўжаликда молиявий фаолият даромадалари ва ҳаражатларига тегишли маълумотларини хўжалик фаолиятида йўқлиги бўлса, иккинчидан хўжалик ўз фаолияти натижалри бўйича тўланадиган солиқларга аниқлик киритиш лозим, чунки хўжалик айрим солиқлардан озод этилган бўлиши мумкин, лекин бу ҳамма солиқлардан бўлмаслиги мумкин. (жумладан ходимлар меҳнат ҳақида даромад солиқги ва бошқалардан).

6.Хўжалик 2011 йил якунларига бўйича ўз молиявий ҳолатига кўра маълум барқарорликга эга. Жумладан, хўжаликни 2012 йил 1 январ ҳолатига бўлган бухгалтерия баланси маълумотларига кўра хўжаликни моддий айланма маблағларини ташкил килувчи манбалари (462297 минг сўм)

унинг мавжуд товар – моддий захиралари ҳажмини (456586 минг сўм) қоплаш даражасидир.

Фермер хўжалиги келажакда юқорида келтирилган молиявий ҳолат барқарорлигини сақлаб қолиши, ҳеч бўлмаганда мўътадил барқарорлигини имкон борича нобарқарор ҳолатига ёки танглик (инқроз) ҳолатига тушмаслигик чораларини кўрмоғи лозим.

## Таклифлар

1.«Ҳамид чорвачилик воҳаси» фермер хўжалигини 2007 йил 24 январда Пастдарғом туман ҳокимлиги «Гадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси» томонидан 40/40 – сонли рақам билан рўйхатга олинган Уставида қайд этилишича фермер хўжалиги чорвачилик ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ҳамда бозорда сотиш маҳаллий хом ашё ресурсларидан халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш, экспортга маҳсулот ишлаб чиқариш, сутни қайта ишлаб тайёр маҳсулот сифатида сотиш, аҳоли буюритмаларини бажариш, омухта ем ва маҳсулотларни сотиш шохобчаларини ташкил этиш каби ишлар кўзда тутилган.

Хўжалик ташкил этилганига беш йил бўлишига қарамай хўжаликни пул тушум 2011 йилда фақат қорамолларни сотиш (49183 минг сўм), сут ва сут маҳсулотларини сотиш (52331 минг сўм) пилла етиштиришдан (9713 минг сўм) жами 111227 минг сўмдан иборат.

Демак, хўжалик учун унинг Уставида кўзда тутилган аксарият ишлаб чиқаришлар ҳозиргача йўлга қўйилмаган.

Хўжалик келажакда уларни йўлга қўйиш асосида пул тушуми ва фойда миқдорини янада оширишни йўлга қўймоғи лозим.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизматалар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакклантириш

таркиби тўғрисида Низомга асосан хўжалик субъектлари шу жумладан фермер хўжаликлари ўз фаолиятларининг якуний бўйича фойданинг қўйдаги турларини аниқлашлари лозим:

1. маҳсулот сотишдан ялпи фойда;
2. асосий фаолиятдан фойда;
3. умумхўжалик фаолиятидан фойда;
4. солиқ тўллагунча фойда;
5. соф фойда.

Низомда ушбу фойда турларини аниқлаш бўйича тегишли кўрсатмалар берилган.

Шунга қармасдан, айрим хўжаликлар, шу жумладан «Хамид чорвачилик воҳаси» фермер хўжалигида кейинги йилларда фойданинг беш туридан фақат иккитаси (маҳсулот сотишдан ялпи фойда ва асосий фаолиятдан фойда) аниқланган. Фойданинг бешинчи тури соф фойда бўйича ҳам молиявий ҳисоботини иккинчи шаклида маълумот мавжуд, аммо у асосий фаолиятдан фойда кўрсаткичи билан бир хил, чунки фойданинг умумхўжалик фаолиятидан фойда ва солиқ тўлангунча фойда турлари ҳисоботда ўз аксини топмаган.

Келажакда хўжалик ўзининг молиявий фаолияти бўйича даромад ва ҳаражатлар ҳисобини ҳамда солиқ бўйича даромад ва ҳаражатлар ҳисобини ҳамда солиқ бўйича ҳисоб китобларга аниқлик киритган ҳолда хўжаликда ҳозирча аниқланмай келаётган умумхўжаликдан фойда ва солиқ тўлагунча аниқлаб соф фойдани реал аниқланишини таъминлаши лозим.

4. Ишда таъкидалганидек хўжаликда фойда миқдори маълум барқарорликга эга эмас – 2009 йилда 8112 минг сўм. 2010 йилда 3273 минг сўм, 2011 йил 12783 минг сўм.

Хўжаликда 2011 йилдаги жами фойданинг (12783 минг сўм) 11491,8 минг сўми ёки 89,9 фоизи хўжалик чорвачиликка ихтисослашгалиги сабабли сут етиштиришга тўғри келади.

Фойданинг ишда бажарилаган омилли таҳлиliga кўра 2011 йил фойда миқдорига ўтган йилга нисбатан маҳсулот етиштириши камайиши ҳисобига 588,6 минг сўмга, маҳсулот таннархи ошиши ҳисобига 8549,3 минг сўмга фойда миқдори камайган ва у сотиш баҳоларини ошиши ҳисобига 13096,6 минг сўмга ошган.

Натижада 2011 йилдаги сут сотишдан фойда миқдори ўтган йилга нисбатан  $(11491,8 - 7533,1) = 3958,7$  минг сўмни ташкил этган.

Агар хўжалик, 2011 йилда ўтган йилга нисбатан маҳсулот миқдори пасайтирмаганда, маҳсулот таннархини ошмаганда 2011 йилни фойдаси 11491,8 минг сўм эмас балки 13096,6 минг сўм ва ундан ҳам ортиқ бўлиши мумкин эди.

$(13096,6 - 588,6 - 8549,3)$  минг сўм.)

Юқоридагилардан келиб чиқиб хўжалик келажакда сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада ошириши, ҳаражатлар устидан етарли даражадаги назоратни таъминлагани ҳолда маҳсулот сифатини яхшилаб уни юқори нархларда сотиб фойда миқдорини янада ошишини таъминламоғи лозим.

4.Маълумки, хўжалик ўз олдига қўйган вазифаларни бажариши учун молиявий барқарорлик мезонига кўра хўжалик моддий айланма маблағлари ҳажми ўз айланма маблағлари манбалари билан тўла қоплай олса, қисқа муддатли қарзларни тўлаш имкониятига эга бўлса, молиявий барқарор, ҳисобланади, молиявий жиҳатдан мустаҳкам ҳисобланади.

Ишда келтирилган ҳисоб китобларга кўра ўрнатилаётган фермер хўжалиги 2012 йилни 1 – январига бўлган бухгалтерия баланси маълумотларига биноан хўжаликни моддий айланма маблағларини ташкил қилувчи манбалари (462297 минг сўм ) унинг мавжуд товар – моддий захиралари миқдорини (456586 минг сўм) қоплаш даражасида  $462297 - 456586 = 5711$  минг сўм.

Ушбу таҳлил маълумотларидан келиб чиқиб хўжалик келажакда ҳам ўзининг молиявий ҳолатини барқарорлигини таъминлаш чораларини куриш лозим.

5. Хўжалик айрим давр ёки ҳолатларда нобарқарорлик ёки танглик (инқроз) ҳолатига тушган ҳолларда хўжаликни моддий айланма маблағларини ташкил қилувчи манбалари миқдорини ошириш юзасидан молиявий тангликни юмшатиш бўйича қўйдагилар таркибини тўла қонли ўрганиши лозим:

1. махсус резерв фондлари маблағларини;
2. иш ҳақи бўйича мавжуд қарзларни;
3. муддатида тўланмаган банк кредитларни;
4. мол етказиб берувчиларга муддатида ўтказилмаган тўловларни;
5. дебиторлик ва кредитторлик қарзлари ҳолатини;

Умуман хўжаликни молиявий ҳолати барқарорлигини таъминлашда юқорида фойдаланилган нобарқарорлик ёки танглик ҳолатига етиб бормаслик чораларини ўз вақтида кўриши лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар руйхати.**

1. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Фермер хўжалиги тўғрисида, 2004.
2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси. – Т.: 2012.
3. Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекси. – Т.: 1998.
4. Ўзбекистон Республикасини Солиқ Кодекси. – Т.: 2008.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Озиқ – овқат экинлари экиладиган майдонларини оптималлаштириш ва уларни тўғрисида. 20.10.2008.
6. БҲМА – 3 Молиявий натижалар тўғрисида. – Т.: 1998.
7. БҲМА –4 Товар – моддий заҳиралар. –Т.: 2002.
8. БҲМА –5 Асосий воситалар. – Т.:2004.
9. Маҳсулот (иш, хизмат )ларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатларининг таркиби ва молиявий натижалар шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом. – Т.: 2003.
- 10.Каримов И. А. Қишлоқ хўжалигини тараққиёти – тўкин ҳаёт манби. – Т.: 1998.
- 11.Каримов И. А. Иқтисодий эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош вазифамиз. //Халқ сўзи. 15.02. 2002 .
- 12.Каримов И. А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади . //Халқ сўзи. 20.10.2012.
- 13.Каримов И. А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чораллари.- Т: 2009.
14. Каримов И. А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш - барча ислоҳат ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир.//Халқ сўзи. 09.02.2008.
- 15.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 18 июлдаги 300 –сонли «Фермер хўжаликлар тўғрисида»ги қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш шароитлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори.

17. Молиявий ҳисобот шакллари тuzатиш бўйича қоидалар.- Т.: 2002.

18. Абдуллаев ва бошқалар. Фермер хўжалигида барқарор ривожлантириш йўналишлари. // Агро илм 2012, № 1. - 74-75 б.

19. Жураев Ф. Ж. Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш.- Т.: 2004.

20. Исмоилов А. Муртазаев О. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: 2003.

21. Рахимов М. Фойда шаклланишини таҳлил этишнинг муҳим масаллари. //Бозор, пул ва кредит 2011 №3.- 60-62 б.

22. Саъдуллаев З. Корхоналарнинг молиявий таҳлили масаллари. //Бозор, пул ва кредит 2011 №2. - 63-64 б.

23. Холбаев Д. Пул, кредит ва банклар. Самарқанд, 2011 68-70 б.

24. Қудратов Т.Қ Файзиева Н. Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг таҳлили. Самарқанд, 2010.

25 Интернет сайтлари:

1. [www.google.uz](http://www.google.uz)
2. [www.dehqon.uz](http://www.dehqon.uz)
3. [www.samqxi.uz](http://www.samqxi.uz)
4. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

26. Пастдарғом тумани «Хамид чорвачилик воҳаси» фермер хўжалигининг 2009, 2010, 2011 йиллар йиллик ҳисоботи маълумотлари.

27. Пастдарғом тумани «Хамид чорвачилик воҳаси» фермер хўжалигининг 2009 – 2011 йиллар ҳисоб ва иқтисодий таҳлили маълумотлари.